

АВАЗХОН



Айтувчи

МУҲАММАДҚУЛ ЖОМУРОД УҒЛИ ПУЛКАН

Нашрга тайёрловчилар

МУҲАММАДНОДИР САИДОВ, ЗУБАЙДО ҲУСАИНОВА

Муҳаррир

МАНСУР АФЗАЛОВ



Орадан тўрт йил, беш йил ўтиб кетди. Олтмиш ошхонали Чамбил, уч юз живахонали Чамбил, саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўйхонали Чамбил. Гўрўғли валломат кеча-кундуз суйгани Юнус, Мисқол паризод, олдида кеча-кундуз ҳангома қип ётадиган қирқ азамат, тўқсон олти саркардаси, бир кам ўттиз сардори, лашқари, Соқибулбулин созандаси, бир кун қилди ўтириш майхўрликни. Ярим кечадан ўтди. Гўрўғлибек қирқ йигитларига Холдор, Саҳмон, Шодмон сап полвонларга қараб, авжи келиб, зўрлик, борлик дағдағасидан ўтирган ёри ёрон азаматларга қараб бир сўз айтаверди. Гўрўғли подшо:

Ҳар уруғдан азаматни йиғмоқдан,
Хитойи косага майни қуймоқдан,
Қиз ўрнига парилардан суймоқдан,
Ҳар ранг тўнни яшнатишиб киймоқдан,
Суймакдан камлигинг борми, қирқ йигит?

Душман кўрсанг қовоғингни уймоқдан,
Пўлат добил Болли кўлга тўймоқдан,
Бўз торлонни толпинтириб чуймоқдан,
Ғоз, ўрдакка олғир қушни қўймоқдан,
Қўймоқдан армонинг борми, қирқ йигит?

Ҳар тарафдан яхши йигит олмоқдан,
Амалдор қип хизматларга солмоқдан,
Душманларни қийғос қилиб келмоқдан,

Арабларни нимта-нимта бўлмоқдан,
Чопмоқдан армоннинг борми, шерларим?

Улмай туриб кафан тўнни бичмоқдан
Ёвнинг куни душманларни санчмоқдан,
Уруш қилиб, чачадан қон кечмоқдан,
Кўкрагидан найза билан санчмоқдан,
Санчмоқдан армонинг борми, шерларим?

Энди душман тушмас менинг изима,
Қулоқ сонглар ихлос билан сўзима!
Бир нарсадан камлингиз бўлса-чи,
Уялмайин, айтинг, беклар ўзима!

Шон-шавкат дағдағалар этинглар,
Иншоолло муддаога етинглар!
Бир камлингиз бўлса бегим сардорлар,
Қирқ йигитлар, дарров менга айтинглар!

Ана энди Саҳмон, Холдорбек, қирқ йигит тўқсон олти беги, бир кам ўттиз сардори ҳаммаси жойидан туриб, Ҳасанхон гулдай яшнаб, ўрталикда ўтирибди. Ана Саҳмон полвон Гўрўғлибекка қараб «худоё хорлик кўрманг дунёда», деб бир сўз айтаверди:

Душман келиб, Чамбилбеда эл бўлди,
Тевараги ваңлаб ётган чўл бўлди.
Ҳар шаҳардан олган ўлжа мўл бўлди.
Ўзингиздан бирор фарзанд бўлмади,
Бу бекларнинг бир камлиги шу бўлди.

Ҳай аттанг, «кутла бўлсин», демади,
Ҳамма одам тўй қип ошлар емади.
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди,
Ўзингиздан бирор фарзанд бўлмади.¹

Очилган боғларда райҳон гулиниг йўқ,
Сўйламоққа ширингина тилиниг йўқ,
Ажал етиб ўлсанг Чамбил элида,
«Вой отам» деб, таёқ ушлар улиниг² йўқ.
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди.

¹ Кўлсамаде «бўлмади».

² Уғаниг.

Салом алайкум Чамбилнинг шойи,¹
Бепилик ёнмайди чироқнинг мойи.
Чамбил элда бўлиб фарзанд гадойи,
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди.

Қайтмайин, сарғайган ойдай юзинг йўқ,
Гапирмоққа ҳар замонда сўзинг йўқ.
Ажал етиб ўлсанг Чамбил шаҳрида,
«Вой отам» дер, сочин ёяр қизинг йўқ.

Қовминг йўқ, қариндошинг йўқ,
Ака-ни, дард айтар сирдошинг йўқ,
Ажал етиб ўлақўйсанг Чамбилда,
«Вой акам» дер сенинг эмчакдошинг йўқ.
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди.

Ҳай аттанг-а, эл эгалик бўлмади,
Дўсти душман «қутли бўлсин» қилмади:
Ой Юнусдан бирор фарзанд бўлмади.
Чамбил эли эгалик бўп қолмади;
Сиздай марддан бирор зурёд бўлмади.
Тахтингизга эга бўлиб қолмади.
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди.

Аттанг-а, душмanning юраги куйиб,
Юнус, Мисқол ёш баччадай мунғайиб,
Ажал етиб сиз ўлсангиз Чамбилда,
Шундайин Чамбил эл қолди бесоҳиб.
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди.

Қозивозлик қилиб, бормай довларга,
Шикор қилиб чиқмай Болқон тоғларга,
«Подшоваччам», дейишиб жиғалар санчиб
Ияртиб бормадик бизлар ёвларга.
Қирқ йигитнинг бир камлиги шу бўлди.

Ана энди маъқул сўзнинг қорувини йўқ. Гўрўғлибек мунгайди. Қирқ йигит туриб, Дониёр оталиқ Гўрўғли подшога қараб бир сўз айтаверди:

Бир хизмат буюрсангиз бизар қилардик,
Тинмай чўлда бедовларни елардик,

¹ Шоҳи.

Хунхор шоҳнинг бол Авазжон маҳрамин,
Сиз буюрсангиз бизар олиб келардик.
Андан кейин биз беармон бўлардик.

Кўмир қилиб келсак тоғнинг бодомин
Душманнинг юракдан кеткармай ғамин,
Сулувлиги ойдаи эмиш Авазнинг,
Олиб келсак Мунсик хоннинг маҳрамин.

Белларга гайрат қип ханжарни чолсак,
Гайрат қилиб бизар Хунхорда бўлсак.
Хунхор шоҳнинг бол Аваздаи маҳрамин,
Ҳангамага опкеп, косагул қилсак.
Тўқсон бекнинг бир умиди шу бўлди.

Ботир бўлмай нуқра ханжар чалмайди,
Худойдан бефармон ҳеч иш бўлмайди.
Авазхонни олиб келсак Чамбилга,
Ундан сўгин ҳеч ками кўст қолмайди.
Қирқ йигитнинг бир муроди шу бўлди.

Душман келса, ундан сўнг саваш қилсак
Шердай бўп Авазни ўртага олсак,
Ойдаи қип ўртага косагул қилсак..
Қирқ йигитнинг бир умиди шу бўлди.

Ана энди қирқ йигит [номидан Темирхон] айтди:

— Авазхоннинг сулувлигига уй ёруғ бўлиб кетармиш.
Шуни олиб келиб, овларга, ёвларга ияртиб юрсак, ҳеч ар-
мон йўқ,— деди. Гўрўғлибек хурушга келиб, Темирхонга
қараб, бир сўз айтаверди:

Қулоқ солгин, Темирхоним,
Яхши сарпо опкел бунда!
Ҳасанхонга кийдириглар,
Ҳасанхон бекларга катта.

Ҳасанхонга амал беринг.
«Давлат қутли бўлсин», қилинг!
Жиғалар санчиб бошига,
Қирқ йигитга сардор қилинг!
Қаддингдан кетайин беклар,
Ҳаммангиз хизматкор бўлинг!

Тур жойингдан, келинг энди,
Ҳасанга қутлуқчи бўлинг!
Доим ёвга ияртириб,
Айтганининг барин қилинг!
Темирхон, опкел тўнларни,
Ҳасанни амалдор қилинг!

Миндиринглаар Фиркўк отни,
Хон Ҳасанни ёвга солинг!
Катта-кичик шу ердасан,
Боиттифоқ ҳамманг беклар,
Ҳасанжонни сардор қилинг!

Темирхон чопқиллаб кетди,
Шарбатхонасига етди.
Қўлтиқ-қўлтиқ сарпо опкеп,
Ҳасанхон олдига ўтди.

Гўрўғлига яқин етди,
Тўлак «ботир» идрайиб,
Кўзи чанғароқлаб кетди.

Беклар вақтини хушлади,
Ҳасан қўлини тишлади.
Гўрўғлининг Темирхони,
Кундал, кимхоб, шол тўнларни,
Опкеп ўртага ташлади.

Яхши хизматга яради,
Ҳасанхон кокилин таради.
Оппоқ дастор чингиллатиб,
Ҳасанхон бошга ўради.
Ойнага кириб қаради.

Пиёлага бол қуйдирди,
Ёмон кўкайин қийдирди.
Бўйига ўлчагандай қип,
Кундал, латта, ҳар ранг тўнни,
Ҳасан болага кийдирди.

Ҳасан ҳар мақом сўйлади,
Яхши илтифот айлади.
Пўлат қилич, тилла ғилоф,
Мўротса қилган камарни,

Ҳасанхон белга бойлади;
Кичиликкинасин тайлади.¹

Елғони йўқ гапнинг рости,
Бўлсин бекларнинг ҳаваси.
Оёққа ўхшатиб кийди,
Шикори кавш-маҳси.

Ед қилди ҳазрат Довудни;
Обод Чамбил мамлақати.
Чор ойна бошига кийиб,
Кийди кировка совутни.

Ҳасанхон қизил чўғ бўлди,
Тўлак «ботир» бай-бай деб,
Дардинг урсин ўзима, деб,
Кўзи қайнаб, ичи куйиб,

Чўртта димоғи чоғ бўлди.
Жонимга ур, жонимга ур, деб
Тўлак «ботир», хезров, деб,
Жўнамоқликка чоқ бўлди.

Томоша айланг кишига,
От чопар бўлди даштига.
Ҳасанхонни сардор қилиб,

Жиғалар санчди бошига.
Кокил силдираб тўшига
Қалқонни елкага қўйиб,
Пўлат найза ёнбошида.

Ана энди Ҳасанхонни сардор қилиб, «шундай давлат қутли бўлсин», дейишди. Гўрўғлибек Ҳасанхонга қараса, ойдаи балқиб турибди. Хушвақт бўлиб «давлат қутли бўлсин» қилиб, бир сўз айтаверди Гўрўғлибек:

Обод бўлсин, кўзим, Чамбилдай жойим,
Юрагимдан кетди қайғуман войим.
Қутли бўлсин фарзандгинам сарпойинг,
Сардорлигинг қутли бўлсин, Ҳасанжон!

¹ Ташлади.

Ҳасан, кўзим, сен ўн олти ёшингда,
Ҳамма қойил бўлсин қилган ишингга!
Еш ҳам бўлсанг жиға санчдим бошингга,
Амалгинанг қутли бўлсин, фарзандим!

Хушвақт бўп, танамдан кетди дармоним,
Мартабали бўлсин солган маконим!
Қиёматда шуйтиб турсанг олдимда,
Асли йўқди, чироққинам, армоним.
Берган амал қутли бўлсин, Ҳасанжон!

Оппоқ дастор ярашади бошингга
Ҳамма қойил бўлсин қилган ишингга!
Шуйтиб турсанг менинг ўнг ёнбошимда,
Умргинанг узоқ бўлсин, фарзандим!
Доим қувгин, ҳеч қочмаги, фарзандим!

Ана энди қирқ йигитга сардор қилиб, «ҳаммаси ўлгун-
ча хизматкоринг» деди. Ана энди Соқибулбулга қараб,
Гўрўғлибек бир сўз айтаверди:

Соқие эшитгин менинг додимни,
Обод қингла¹ Чамбилдай элатимни!
Қўлинг дард кўрмасин. Соқи мирохўр,
Табладан эгарла Фирқўк отимни!

Билмаганин чироғимнинг билдиринг,
Элнинг барин опкеп қулуқ қилдиринг!
Қиздайин ўйнатиб жонвор Фирқўкни,
Хон Ҳасанга жиловдор бўп миндиринг!
Соқие опкелгин жонвор Фиротни!

Ошнасининг мард номардин синади,
Соқи туриб жойидан,
Гул таблага жўнади.

Томоша айланг сайисларнинг ишига,
Хумса жўра ҳасод қилар кишига.
Сап ярашган абзалларни кўтариб,
Соқибулбул борди Фирнинг бошига.
Зиёрат қип отнинг вақтин хушлади.

¹ Қилинглаар.

Жонивор Ғирот кўзгинасин ёшлади.
Икки сайис турибди икки ёнида,
Таблада бедовни яланғочлади.

Тиг текканлар бўялди қонига,
Гулдан йўриб пўлат қашов қўлига.
Қашов урди Ғиротнинг баданига.

Регистонда мастлар тортар бангини.
Кам эс одам қочиради онгини
Сипирги-ман хўп сипириб сайислар,
Киш рўмолман сийпаб олди чангини.

Муссофирлар кўрар [экан] хўрликни,
Тулпор минган қиладакан¹ эрликни
Астагина от белига опқўйди,
Сап ипакдан бўлган яхши терликни.

Сарбозбоши кўрадикан дурбини,
Уста олар ранда билан қирғини.
Терликнинг устидан шундай опқўйди,
Кумуш чалмали банот чиргини.

Устидан опқўйди яхши белликни.
Аста босди кундуз жаҳалдирикни.
Дарахт йиққан² олар болта, табарни,
Соқи булбул бежой сўзга чеварди.
Жаҳалдирик устидан суяб босди,
Пайдан бўлган тилла қошли эгарди.

Қистаса ўтади итилги қушдан,
Ҳеч ками йўқ эди йўрға юришдан,
Думини кўтариб солди сайислар,
Ун саккиз қуббали карки қуюшқон.
Ҳар қуббаси пиёладай таркашдан.

Яхшининг ишига ҳамма қойилади,
Илдам отнинг думи бежой майинди.
Бисмилло деб ўраб тортди белига,
Тўғаси тилладан ипак айилади.

¹ Қилади экан.

² Йиқитган.

Кам эсларнинг ақлини шоширди,
Ботирларнинг юрагини жўширди.
Эгарнинг қошига солган узангин,
Оловдай қип икки ёққа туширди.

Бир неча сулувининг тишлари дурди,
Жилдиратиб отга сертиб ташлади,
Қиммат баҳо, зар чачоқли довирни.

Қизлар ўйнайдакан, Гулшанбоғида,
Чидаб бўлмас сулув қизнинг доғига,
Шилдираб тушибди солган довури.
Силкиллайди Ғирнинг бақалоғида.

Чув деса ўтади у баҳрин қушдан,
Ҳеч ками йўқ йўрға билан юришдан.
Кучининг борича тортди белига,
Сатта пайдан бўлган чағатой пуштан.

Зумрад добил илди эгар қошига,
Қирқ қуббали юган солди бошига.
Қатағон пешвотлар урди тўшига.
Олқордай ўйнатиб чин бедов отни,
Олиб келди Ҳасанхоннинг қошига.

Билмаганин Ҳасанхоннинг билдирди,
Неча беклар «тақсир»лашиб кулдирди.
Қўлтиғидан суяб маҳрам баччалар,
Ғиротига бекбаччам деб, миндирди.

Ҳасан минди Ғиротининг белига;
Ун икки бўғинли пўлат найзани,
Ярқиллатиб суяб берди қўлига.
Анжом-асбоб чоппа-чоқ бўл хон Ҳасан.
Талаб қилар бўлди Хунхор элига.

Ҳар ким дўсти учун қилар хизматни..
Уруш анжомини чоқлаб қирқ йигит,
Ҳаммаси минишди сап бедов отни.

Ана энди беклар ювиниб, тараниб, уруш анжомига ўраниб,
чўғдай жайнаб, остида отлар ўйнаб, сувлиқни чайнаб,
думини сағрисиغا қайтариб ташлаб, қирқ йигит жиловни

маҳкам қип ушлаб [турибди]. Тўлак «ботир» Ҳасанхонга ишқибоз эди, Ҳасанхоннинг томоғи остидан ўтиб, «хезитон рав» деяпти. Сартарошнинг поккисидай бўлиб, бўзфурушнинг моккисидай бўлиб, Ҳасанхонга жилип-қилип этиб, хушомад қилиб турибди. Ана энди беклар ҳаммаси бирдай бўлиб, чопинган шердай бўлиб, бирдан бўриб, Авазхонни олиб келамиз деб, қутуриб туряпти, чакки-чукки гапириб. Ана Ҳасанхон узангига оёқни тираб, Гўрўғлибекка, сардорларга қараяпти. Панжарадан Юнус пари, Мисқол пари, Гулчеҳра пари, ой Зайдин, сап қизлар ярқиллаб қараб турибди, сап қора кўзлар. Аммаси қараб турибди, Чамбилдаги қиз-хотиннинг ҳаммаси. Ҳар гул очилгандай яшнаб, қараб турибди сулув қиз-хотинлар. Ана Ҳасанхон бир сўз айтиб, халқдан дуо тилаяпти:

Эшитинг, отажон, ўзимдан сўзни,
Овлаб келдинг кўлдан ҳам турна, розни.
Хунхор элдан олиб қайтсак Авазни.
Яратганим омонатин олмаса,
Ўлмасак етти ойда¹ кўрасиз бизни.

Бир худойим обрў берса бизарга,
Чопишиб, суришиб гала душманман
Муносиб хондан олиб қайтсак Авазни
Ажал етиб шу урушда ўлмасак
Тез келсак олти ойда² кўрарсиз бизни.

Остимда ўйнайди яхши тулпор-а,
Оҳ десам худога етгай-да, зор-а.
Подшо юртига талаб қилиб отландик,
Омин денглар гала туркман фуқаро.

Ҳаммадан кетгай-да, қайғу-оҳимлар,
Эси кўплар яхши-ёмон фаҳимлар.
Авазхонга талаб айлаб жўнадим,
Омин денглар, билқиллаган оймлар.

Дуода бўнг турган қош-қаламлар,
Ҳар кишига ортмагай-да, аламлар.
Талаб қилдим Хунхоршоҳнинг элига,
Ҳам устодим, дуо қинглар муллалар.

¹ Кўлэзмада «еттойда».

² Кўлэзмада — «олтойда».

Шамолда силкиллаб кема-ман қайиқ,
Мендай шунқор Гўрўғлишоҳга лойиқ.
Энди кетар бўлдим Хунхор юртига,
Омин денглар ёппа, турган халойиқ.

Ҳамма одамнинг юрак бағри бўшади,
Ҳизир кўрган одам узоқ яшади,
Гўрўғлибек, гала турган халойиқ,
Ҳаммалари омин, омин дейишади.

Ана Гўрўғлибек қирқ йигитга қарб бир сўз айтаверди:

Ғайрат қилиб юрагимни шиширдим,
Обрў топинг Хунхоршоҳнинг юртидан,
Аввал хаққа Ҳасандайн боламини,
Қирқ йигит — бекларим сизга топширдим.

От чопасан баринг қула-тузларга,
Уқ отинглар гақиллаган ғозларга!
Еш деманглар менинг Ҳасан хонимни,
Еш ҳам бўлса сардор қилдим сизларга!

От чопарсан бадбахт тоғнинг даштига,
Ҳамма қойил бўлсин марднинг ишига.
Еш ҳам бўлса катта қилдим барингга
Сардор қилиб жиға санчдим бошига,
Сизни хаққа, болам сизга топширдим.

Нима деса, айтганини қилингла,
Нима буюрса, амрида бўлингла!
Мендан ҳам зиёда кўриб Ҳасанни,
Инти-чинингизман хизмат қилингла!
Аввал хаққа, сўнг сизларга топширдим.

Терарман кўкламда тоғдан лоламини,
Чамбилга опкелдим қоши қаламини.
Қўрчалашиб ўртага олиб¹ турингла,
Бедимоғ қилмангла Ҳасан боламини!
Сизни хаққа, болам сизга топширдим.

Ҳамманг ўйнаб-кулгин мана дунёда
Товус деган қуш таралар қиёда.

¹ Қўлёзмада «ўртағолик».

Бекбаччангни хушвақт қилиб қирқ йигит,
Мендан хизмат қилинг сари зиёда!

Ёт деса ётинглар, юр деса юринг,
Тўхта деса баринг булк этмай туринг!
Нима деса айтгангинасин қилиб,
Ҳамманг эртан билан саломлар беринг!
Подшоҳим деб мендан зиёда кўринг!
Чоп деса чопинглар, чиқ деса чиқинг,
Салом бериб ҳамманг қаддингни буқинг!
Хизмат қилиб, подшоваччага ёқинг,
Инъом-эҳсонини олинг қирқ йигит!

Урушса, койиса, жанжал қилманглар,
Ҳеч бировинг ёмон нарса деманглар!
Бол Авазни Хунхордан опкелмасанг,
Тириклай қайтиб Чамбилга келманглар!

Узаб кетиб мени қилманг интизор!
Ёш баччадир ёвга оралаб кетса,
Саҳмон билан Холдор маҳрам полвоним,
Гирдин олиб, бўнглаб зинҳор бохабар!

Ана энди беклар чоппа-чоғ бўлиб, кўнгли тўқ бўлиб,
йўлбарсдай фарқираб, худди совурда яшин оққандай бўлиб,
кўринг энди Ҳасанхонни ойдай балқитиб, Хунхор шаҳри-
га жўнашди. Ҳамма омин деб бетига фотиҳа тортиб қола-
верди.

Яхши анжомлардан олиб,
Отларга қамчи солиб,
Хон Ҳасанни сардор қилиб,
Чиқди беклар Чамбил даштига,
Ҳасан беклар ёнбошида,
Жиға ярқиллаб бошида,
Чор ойна борди тўшида,
От қўяди қирқ йигитлар,
Энди туркманнинг даштига.

Бедов отлар оғзин очди,
Кўнгиллари чойдишдай жўшди.
От қўйишиб чапараста
Сап йўлбарслар йўлга тушди.

Булбуллар жўш қилар гулда,
Кўп гаплар бор қизил тилда.
Ҳасанхон ойдаи тинжираб,
Фиркўк отни ҳар қистайди,
Бораётир қуло чўлда.

От чопилиб парқиллашиб,
Чоройна совутга туйиб,
Қилич узангига тегиб,
Уришади ширқиллашиб.
Оқ кировка, пўлат совут,
Ой туққандай ярқиллашиб,
Найзасининг пўпақлари,
От чопганда силкиллашиб,
Эгнида қарк тери қалқон,
Булулдай бўп булуллашиб,
Тўп-тўп бўлиб даста-даста,
От қўяди чапараста.
От чопмоққа қирқ йигитлар,
Холдор билан Саҳмон уста.
Гоҳ баландда, гоҳо пастда,
Сатта бедовни ўйнатди;
Ҳасанни гулдай жайнатди.
Соқибулбулни сўйлатди.
Юрган чўлни обод этди,
Сатта бирдай наъра шерлар.

Эгнида борди фаранги,
Қўлида найза зарангги.
От қўяди беклар чўлда,
Кундуз куни, гоҳ қоронги.

Биз оқ юзли бўлсак дейишиб,
Бориб жанжал қилсак дейишиб,
Тўп-тўп бўлиб от чопади,
Авазни опкелсак дейишиб,
Олиб қайтсак Авазни деб
Сатта йўлбарслар жўнади.

Ёвда ўлган гулдай бўлар қонига,
Ҳар ким эсон бўлсин ўз маконида!
Қуло чўл тенгсариб ларза беради,
Тебраниб отларнинг ирғиганига.

Остида бедов эркалаб,
Одамлар қўрқиб қолғалаб,
Гўрўғлибекнинг оқ туғи,
Аҳмад от чопса сўқиллаб;
Туғ боши Аҳмад жўнади;
Қирағай Шодмон жўнади.

Темирхон Ҳасанга ноиб,
Келаётир отни қўйиб.
От қўяди қирқ йигитлар,
Ажалнинг чопонин кийиб.
Силдирайди ик кокили,
Шамолга кокилин ёйиб,
Ҳасанхон сардор жўнади.

Кийим-кечак чанг бўп кетди,
Тағи қирқ беш кун йўл тортди.
Ой Мисқол Эрам боғига,
Томоша айланг тоғ зогига!
Қирқ беш кун беклар йўл юриб,
Борди Бадбахтнинг тоғига.

Неча қирдан, чўлдан ошди,
Кўрганларнинг ақли шошди.
Бориб Бадбахтнинг тоғига,
Ҳасанхон намозгар тушди.

Ана энди беклар тушиб, ҳузурланиб, отларини қашлаб, шипириб, тонг отгунча беклар тоғда ётди. Тоғда бузрук бўлар экан. Тонг отгунча бузрук тунаб, беклар ётди. Ана энди эрта билан тонг отди. Шундай беклар тоғнинг бошига қаради. Шу, қараса тоғнинг бошини яшил ола туман чолиб ётир. Буни кўриб қирқ йигит билди: бу сафар хатарли. Беклар бўшаб кетди, баданига ваража кириб. Тонг отиб, ёруғ бўлиб, намоздан фориг бўлиб, гоҳи ерда отини миниб, гоҳи ерда етаклаб, кун ёйила-кун ёйила Бадбахт тоғнинг бошига чиқиб олди беклар. Бу Хунхорни кўрган йўқ экан. Шундай қараса, неча бутхонаси, бошидаги ангаратлари, тилладан бўлган қўтаслари, катта кўнғироқлари булутга [тегиб], сўзлашиб турибди. Буни кўриб айтди: «Бу жой ҳинди шаҳаридай шаҳар экан. Қирқ йигитлар дарвозадан кирсак [хунхорликлар] дарвозани кўширсак, ҳар тарафдан сарбоз қамсаб келса, қиличнинг ос-

тига олса, ичакка тикқан гүштдай майда-майда қилса...
Авазхонсиз кун кўролмаймизми? Юринг Чамбилга кета-
миз, деди. Ана энди Тўлак «ботир»дан эшитмак даркор
сўзни. Бу хунхорликлардан кўрқиб, «мен чўртта навкар
бўлмайман» деб, жони кўзига кўриниб, Ҳасанхонга ишқи-
бозлиги эсидан чиқиб, жон кўзидан кўриниб, бир сўз айт-
япти, каллагинаси шолғомдай дўм-думалоқ бўлиб:

Ўзим сипоҳи бўлмайман,
Навкарлигингни қилмайман.
Кетаман Чамбил элига.
Боҳудо навкар бўламайман.
Берган ем пулинг олмайман,
Сипоҳиликдан мен кечдим.
Подшога хизмат қилмайман.

Саман отни жилайинми,
Мен талтайиб қолайинми?
Мен сипоҳи бўламан деб,
Кундан бурун ўлайинми?

Олло урсин қорнимдан,
Чўртта сипоҳи бўлмайман.
Ботмон тариқни олмайман
(Хунхор) билан жанжал қилиб,
Қилич остида ўлмайман.
Ҳасанжон ол, ма пулингни,
Чўртта мен навкар бўлмайман!

Наинги номус, орим қолди,
Савдо, харидорим қолди.
Хунхор элда ўлайинми,
Уйнимда сўқилаб турган,
Ватанимда, чиққанимда,
«Тез кел», деб билқиллаб қолган,
Олдига кириб қолганда,
Тўрам деб жилвалар қилган,
Досторни қозиққа илган,
Чопоннинг енгидан ушлаб,
Чечиб олиб, дорга солган,
Қўйнимда буралиб ётиб,
Берроқ ёт, деб бағрига олган,
Ишгинасин яхши қилган,

Ҳамма гапни ўзи билган,
Тахмалачи ёрим қолди.
Қилиғи бежойин яхши,
Уни кўрган бўлар бахши;
Гўштдор хотиним қолди.
Кўкрагин қимирлатган,
Баданларини тебратган,
Мени қўйнига олиб ётган,
Иссиққина қип болқитган,
Тойчалари силк-силк этган,
Силдираган ёрим қолди.
Чўртта сипоҳи бўлмайман;
Навкарлигингни қилмайман.

Ажал менга яқин қолди,
Дарга бўлиб чиқиб эдим,
Бир пуд буғдой қўш халтага,
Унгина қип тиқиб эдим,
Ҳафтада кулчатой қилган,
Бозор оқшом дуруст бўлган,
Хунхор элда хуним қолди.
Ҳали битта топганим йўқ,
Саккиз чорак уним қолди.
Қишим ўтди, ёзим қолди,
Навкарлигим тамом бўлди,
Ҳовузда ғалт уриб юрган,
Ун бир ола розим қолди.
Ота деб жумийиб турган,
Сулувгина қизим қолди.
Сипоҳигарлик қилмайман,
Тангир қул урсин ўзимни,
Мен чўртта навкар бўлмайман,

Чоғир кўзли зағчам қолди,
Беш тўнлик олачам қолди,
Сават тўла найчам қолди.
Минганда отдан қолмаган,
Кўк толғир мочам қолди.
Қоровулиқ уйда қолган,
Баччалариман жанжал қилган,
Қашқагина гуржим қолди.
Мастава қиламан девдим,
Ишнимча гуручим қолди.

Саҳар уйқумдан уйғотган,
Оллонинг зикрини айтган,
Саманнинг тезагин титган,
Куланкир хўрозим қолди.
Арпафурушлик қилганда,
Ўзим бозорда турганда,
Бир чаккаси ёғочданди,
Бир темир тарозим қолди.
Кетаман энди Чамбилга,
Энди ўлим яқин қолди.
Уйимда ўдонам қолди,
Хотинга кўз тегмасин деб,
Токчада туюғлик турган,
Озроқ седанам қолди.
Жума куни гаров ютган,
Қочмаган беданам қолди.
Нақд-насяда битарим қолди,
Уч тўнли астарим қолди.
Дағдағали қозикда турган,
Қорабош даҳсарим қолди.
Ўчта ғазалойим қолди,
Бешта тош тўрғайим қолди.
Иккита пуспичиғим қолди,
Ипак тўрим қолди,
Чўртта навкар бўлмайман,
Сипоҳигарлик қилмайман.

Вой-вой деди, оҳво деб, одан туша кетди.

Ана энди шу гап билан қирқ йигитнинг ярми бўшаб кетди. Дарров шу Саҳмон полвон Тўлак «ботир» нинг ёнбошига ўтди. Ғилофдан ханжарни тортди. Ана Тўлакнинг жони чиқиб кетди. Саҳмон қандай полвон, Тўлакка бир сўз айтди:

Қора ханжарни ушлайман,
Тўлак вақтингни хушлайман.
Ўлиб қолгир сен баччағар,
Каллангни юлиб ташлайман.

Сочиб ташлай ўтинингни,
Ҳасанхонга айт дардингни!
Шунча одамдан уялмайин,
Сен айтасан хотинингни.

Паловга босай ғозингни,
Душманлардан ўзинг қўрқиб,
Бир яшар бузоқдай ҳурқиб,
Сен солдираб, ҳам болдираб,
Айтавердинг тарозингни.

Подшолик қиламан ўзим,
Нури чачар хўрозингни.
Сочиб ташлай седонангни,
Кафан қилай ўданангни!
Тулки бурун ўлгир Тўлак,
Бу беклардан уялайин,
Сен айтасан беданангни.
Пусмачи, ғазалой дейсан,
Бузиб ташлайин уянгни!
Даҳсар билан каптар дейсан,
Чиқориб қўяй чиянгни!

Ғажирлар қўнар гўштинга,
Ол, калтак тегди бошинга.
Урушда теккан ўқмиди,
Пилта ловидлаган чўғмиди?
Сен бўшатдинг бу бекларни,
Тулки бурун уйинг куйгур,
Бизарда сенча ҳам нарса,
Бизарда анжом йўқмиди?
Саман отни елар бўлдинг,
Бадбахтда узалиб қолдинг.

Энди Саҳмон қилични яшиндай ярқиратиб, осмондан олиб келди. Тўлак:

— Хонасаллот Саҳмон чопмачи чопма, мен жўрттага айтиб эдим. Бу бекларни синамоқчи бўлиб эдим. Ҳийла қилиб эдим, ҳийла қилиб эдим. Ўлдирма, ўлдирма бо-лангнинг кавшини кийгур,— деди. Ҳамма беклар кулди. Ана Ҳасанхон қирқ йигитларига қараб, «от қўй» деб бир сўз айтаверди:

Отларни чарчатди Бадбахтнинг чўли
Тушмасин бизарга ўлимнинг ҳили.
Беклар келдинг чўқли ёвнинг устига,
Мана тумраб ётган Хунхорнинг эли.

Ўшитинг, арслонлар ўзимдан сўзни,
Қаратаман мана шаҳарга кўзни,
Ё ўлинглар, ё олинглар жаллодлар,
Хунхор элдан олиб чиқинг Авазни!

Отларни чарчатар тоғларнинг бели,
Гармселда сўлар гулвознинг гули,
Олиб чиқинг қон тўкишиб Авазни,
Мана тумраб ётган Хунхорнинг эли!
Ё ўлинглар, ё олинглар қирқ йигит,
Уламан деб ваҳм тортманг шер йигит!
Оппоқ бўлган Хунхоршоҳнинг элати,
Рустамдай от қўйинг Чамбила бекзоди!
Шердай чопинг отамнинг валламати,
Олиб чиқинг бундан болим Авазни!
Хунхорга югуринг отам жаллоди,
От қўйиб, опчиқинг Авазхонни!

Қирқ йигитлар бўшади. Униси як дил бўлса ўттизи
кегамиз дегандай бўлиб қолди. Ана энди Ҳасанхон қирқ
йигитнинг бўшаганини билиб бир сўз айтаверди:

Ботир билан юриш қилсанг,
Душманларга хуриш қилсанг,
Лашкар тартиб уруш қилсанг,
Унин кўзлаб бирин санчар,
Номард билан ёвга борсанг,
Урушмасдан бурун қочар.

Балли ботир билан юрсанг,
Кафаннинг тўнин бичар;
Оғзини душманга очар.
Юрсанг мард билан қидиргин,
Душман киндигидан санчар.

Бир тентакка бир сўз айтсанг,
Жумийиб олдиға етсанг,
Кулиб туриб бир гап айтсанг,
Кўрдингми деб муштин кўзлар.
Хумса билан юрар бўлсанг,
Вой ўлдим деб ёшин кўзлар,
Бир сахийга меҳмон бўлсанг,
Берадиган ошин кўзлар,

Бир мард билан ёвга кирсанг,
Душманларнинг бошин кўзлар;
Тарафларга савдо солар,
Душманларга ғавго қилар,
Обрўйингни ҳамиша олар,
Юзин чоқлаб, бирин санчар.
Уламан деб ваҳим таратмас
Ҳангамада баҳринг очар,

Номард билан сафар қилсанг,
Кундан бурун туриб қочар.
Хумса билан жўра бўлсанг,
Аҳволингни қилар ночор.
Чўқли душманга борганда,
Тўпнинг товуши чиққанда,
Кундан бурун туриб қочар.

От қўйинглар, Авазхоним олинглар,
Гўрўғлини беклар шодмон қилинглари!
Чапараста от қўйинглар қирқ йигит,
Хунхордан Авазни тортиб олинглар!
Олиб бориб хизматларга солинглар;
Гўрўғлининг айтганини қилинглари!

Қирқ йигит айтди «қирқ киши бир ёқ, қинғир киши бир ёқ экан. Буни чагадай қилиб, айтганини қилаверсак, ҳар номаъқул (ишни) қилади. Юринг, кетамиз Чамбилга», деди. Ҳасанхон энди кўнгли бўлиниб, қирқ йигитга қараб бир сўз айтаверди:

Туркман элда ўзини мен деганлар,
Сарала сарпони сайлаб кийганлар,
Ҳар уруғдан наъра шерни йиғганлар,
Урушмайин қизилига текканлар,
Совут кийган шербаччалар йўл бўлсин?

Гўрўғлининг паловига тўйганлар,
Ботирман деб сирни элга ёйганлар,
Душман кўриб, урушмайин қўйганлар,
Сатта хотин арслон беклар йўл бўлсин?

Гўрўғлин олдидан шер бўп келганлар,
Яхши найза, яхши совут олдинлар,

Қўррайишиб Чамбилбелдан келдинглар,
Лачак кийган хотин беклар йўл бўлсин?

Сайлаб единг Гўрўғлининг тузини,
Эшитинглар, Ҳасанхоннинг сўзини:
Ёвни кўрмай баринг бориб Чамбилга,
Қайтиб кўрасиз отамнинг юзини?
Менман деган баҳодирлар йўл бўлсин?

Одам оби ётган ери кўл бўлсин,
Сулув қизга қўшагина хол бўлсин!
Хунхор элни кўриб, қўрқиб қайтдинглар,
Жони ширин хотин беклар йўл бўлсин?

Энди Саҳмон Ҳасанхонни деб келган одам. Кўп гапни билади. Лекин билса ҳам маслаҳатни эл билан қилади. Қирқ йигитнинг раёйига бериб, Саҳмон ҳам ияришиб қайтаверди. Ана қирқ йигитнинг Саҳмондан кўнгли тўлди. Лекин Саҳмон баттолик қилди. Ҳасанхон ер билан яксон бўлди. Бир ўзи Ҳасанхон Хунхор подшонинг устига от қўймоқчи бўлди. «Номард деди, ҳеч бўлмаса Саҳмон полвон турганда, ўққа учиб ўлганимни кўрганида, отамга дарак берарди. Келибгина ўлигимга эгалик қиларди. Энди Чамбилга бораман. Бошқаватдан лашкар олиб келаман», деди. Ана қирқ йигит «шуни ҳам катта қилиб айтганини қиламизми», деб, ҳа деб Чамбилнинг элига кетдиворди. Ҳасанхон бир ўзи ёлғиз кетди. Қирқ беш кунда Асқартоққа етди. Мисқол пари, Гулнор пари, Юнус пари дурбин тутиб турарди, душман келмасин деб. Тўзон Асқартоғдан бурқиллаб чиқаверди. Юнус пари дод, ёв келиб қолди деб, бир сўз айтаверди Гўрўғлибекка:

Хон Ҳасанинг ёшлик қилди,
Қиёмат бизларга бўлди.
Хунхор элдан душман келди;
Тўзон нобоп чиқиб қолди.

Қирқ йигитлар савдо кўрган,
Хунхор шохман уруш қилган.
Ҳасанжонинг ёшлик қилиб,
Қирқ йигитин бойлаб олган.
Аччиғланиб Мунсиқ подшо,
Қаҳрланиб бунда келган.

Лашкар келганга ўхшади,
Дафта-дафта чанг кўринди;
Қиёмат бўлганга ўхшади.

Тизилишиб тоғдан ўтди,
Ғалвир бўлар Чамбил юрти.
Туман босиб тоғ бошини,
Оғир лашкар элга етди.

Хунхоршоҳ келган ўхшади,
Суяккиналар шовшади.
Тизилишиб келаётир,
Кўп лашкар келганга ўхшади.

Тоғни босган туман бўлди,
Тирикалик гумон бўлди.
Лашкар тортдинг валломатим,
Энди бу иш ёмон бўлди.

Хунхоршоҳ талатўп қилди,
Тоғи-тошни лашкар олди.
Камарлар тупроққа тўлиб,
Тошлоқ ер гурпак бўп қолди.
Қўшиннинг кўплигидан,
Босган тош тупроқ бўп қолди.

**Ана энди ой Юнус, ой Мисқол хўп сўзни айтди, Гўр-
ўғли полвон эшитди.**

Хабар қилиб бекларига,
Ҳам сардори элбегига,
Талатўп бўп Чамбил юрти,
Тойли, таёқди кўп лашкар,
Гўрўғли қовоғин уйиб,
Маждин кўк тизгинин тутиб,
Миниб олиб Маждинкўкни,
Эчки жун телпагин кийиб,
Ҳамма уруғдан Гўрўғли,
Келаётир лашкар йиғиб.

Гўрўғлибек шердай бўлиб,
Маждинкўк бошини қўйиб,
Жун телпагин япиллатиб,

Елкалари қирдай бўлиб,
Ҳамма ерни лашкар тутди;
Элни лашкар босиб кетди.
Ғайратига чидаёлмай,
Гўрўғлининг якка ўзи,
Тўзонга яқинлаб етди.
Кўпик тўкилиб оғзидан,
Мард Гўрўғли барқирайди.
Дам бериб энди тулпорга,
Маждинкўк отни қошонтти.

Айил пўштанини ечиб, Гўрўғлибек Маждинкўкни со-
витапти. Ҳалиги кўшинга қараса, Гўрўғлибекнинг оти би-
тилган, ўзининг оқ туғи нимкаласоз қимиллаб келяпти.
Гўрўғлибек уялди. Ана энди қирқ йигит қараса, ҳамма ер-
ни булкиллаатиб лашкар келяпти. Гўрўғлибекка салом
беролмай, бирови шу воғишқа кириб кетди, бирови қир-
дан ошиб кетди. Лекин Гўрўғлига тўғри бўлолмади, қирқ
йигитлар. Гўрўғлибек шундай қараса, Ҳасанхон якка ўзи
қоп-қора чуйкаб келяпти. Гўрўғли билди: қирқ йигит айт-
ганини қилмабди. Ана энди Гўрўғли чопиб, чопқиллаб бо-
риб, Ҳасанхонни қучоқлаб олди. Ана энди Ҳасанхон бўв-
лаб йиғлайверди. Ана Гўрўғлибек Ҳасанхоннинг остидан
Ғиротини олиб, балиқнинг ёруғлиги сув, отанинг ёруғлиги
фарзанд дейди, Ҳасанхоннинг [руҳини] кўтариб бир сўз
айтапти. Гўрўғли подшо:

Охир бўлар кўнгилларнинг ҳаваси,
Топилмабди ўлим дарднинг давоси.
Хафа бўлиб кўнглинг бузма Ҳасанжон,
[Мен] келгунча бўл Чамбилнинг эгаси!
Ёмғир ёғса ўсар даштнинг гиёси,
Шивиртон ернинг қалин бўлар мийяси;
Бузилмасин ҳар маҳлуқнинг уяси.
Бу дунёда сенсан менинг раҳбарим,
Келгунча бўл тилла тахтим эгаси!

Чироққинам, оёғингга бош урдим,
Сени кўриб, хаёлимни шоширдим.
Мен келгунча миниб тургин тахтима,
Аркони давлатни сенга топширдим!

Фарзандликка чироққинам ярагин,
Кокилларинг силдиратиб тарагин!

Мен келгунча подшо бўлиб Чамбилда,
Фуқаронинг арзин дуруст сўрагин!
Келгангинанг айланайин бахтима;
Урушмоққа ҳали ҳозир вақтима?
Адолатли подшо бўлиб Ҳасанжон,
Мен келгунча миниб тургин тахтима!

Келгунимча бўл Чамбилнинг эгаси!
Мен келгунча катталikka ярагин,
Яхши пўта, яхши салла ўрагин!
Подшолик қил Чамбил элга фарзандим,
Фуқаронинг арзин дуруст сўрагин!

Ана энди шуйтиб, Гўрўғлибек Ҳасанхонга Чамбилни топшириб, Фиротни миниб бориб «Авазхоннинг қўлидан ушламасам, от сагрисига ташламасам, Гўрўғли отим бе-кор» деб жўнайверди Хунхорнинг шаҳрига. Ана энди, гапни Гўрўғлидан эшитмак даркор:

Раҳм айламайин ҳолига,
Шуйитинглар тоғнинг белига,
Фиркўк отга қамчи уриб,
Гўрўғли мард шердай бўлиб,
Жўнар Хунхорнинг белига.

Чидамас қамчи заҳрига,
Авазхонни опкелсам, деб,
Қуло чўлни тўзонлатиб,
Мард Гўрўғли жўнайверди,
Мунсик подшонинг элига.
Юлдуздайин учиб Фирот,
Жўнар Асқарнинг белига.

Гўрўғли ўтдай туташди;
Фирот жонивор оғзин очди,
Аччиғланганини билиб,
Гўрўғлини олиб қочди.

Кун пора-пора бўлганида,
Асқарнинг тоғидан ошди.
Кечасиман чўлга тушди.
Намозни қазо қип кетди.
Гўрўғлибек йўлбарсдай бўп,

Тинмай отни қистаб кетди,
От чопилиб баланд-пастда,
Аваз¹ кўрмоққа ҳавасда,
Рустамдай бўп Гўрўғлибек,
Гоҳи қирда, гоҳи пастда,

Гўладан отнинг тўқаси,
Шунқорнинг кумуш чегаси.
От қўяди шоҳ Гўрўғли,
Жўнаб Чамбилнинг эгаси.

Уликларни чотсам, дейди,
Хунхор элга етсам, дейди,
Авазхонни тинжиратиб,
Чамбил олиб қочсам дейди.
Бадбахт тоғдан ўтсам дейди.
Душманни қийратсам, дейди,
Уликни сулатсам, дейди.
Бол Авазни ойдаи қилиб,
Чамбилга олиб қайтсам, дейди.

Гўрўғли маст бўлиб кетди,
Гиркўк отини ўйнатди.
Анча кун ўтиб кетганда,
Бадбахтнинг тоғига етди.

Ана энди, Гўрўғлибек шундай кўзини очиб қараса, бир лашкар келяпти чўлни босиб. Шу лашкарнинг калласи тоғдай бўлиб, кўзлари ҳовуздай, ҳар калласида олтмиш оғзи бор, қирқ олти кўзи бор, ўзи эчки туёқ, чўпчак пойча... бундай лашкарни Гўрўғли ер юзида кўргани йўқ. Ҳалиги лашкарнинг каттакони шунда бир сўз айтяпти:

Бедов отлар уруш куни чопилди,
Совиган сўнг ҳоли зулча ёпилди.
От қўйинглар, банди қинглар кўпакни,
Гўрўғлибек Бадбахт тоғдан топилди!

Табаррук деб пиширинглар гўштини,
Йиғлатинглар жамъи қариндошини!
Бадбахт тоғдан Гўрўғлибек топилди,
Кесиб олинг заниғарнинг бошини!

¹ Авазни.

Энди кўрсатманглар Чамбил шаҳрини,
Питириб енг остидаги Ғирини!
Ўлдириглар Чамбилбелнинг зўрини!
Гўрўглибек қулай бўлиб топилди,
Бориб бузинг Чамбилнинг шаҳрини.

Дарров ушланг туркманларнинг зўрини,
Тўрамлатинг Юнусдайин ёрини,
Ғорат қилинг бориб Чамбил шаҳрини!
Гўрўглибек Бадбахт тоғдан топилди.
То қочмасин айланишиб келинглар,
Банди қилиб пича эрмак қилинглар.
Гўрўглибек қулайгина топилди,
Хирпиллатаб, ушлабгина олинглар.

Ушлаб олинг шул газзобнинг ўзини,
Кўп йиғласа қабул қилманг сўзини!
Теварагин ёппа қуршаб олинглар;
Ўйиб олинг шу ўғрининг кўзини!

Ҳар тарафга лашкарни жилдириг!
Ушлаб олиб шу ўғрича қаллобни,
Миясини чақиб, дарров ўлдириг!
Суягини ўтни ёқиб куйдириг!
Мисқолжоннинг қора сочин ёйдириг!
Тепасига болта-теша қўйдириг!
От қўйинглар, ушлаб олиб халойиқ,
Гўрўгли ўлди деб юртга ёйдириг!

Ҳар тарафдан лашкар кеп қамсаб олди,
Ғилофдан шопини Гўрўгли олиб,
Шул лашкар полвонга яқинлаб қолди.

Гўрўглибек бир сўз айтяпти:

Саҳмонжоним, келгин энди!
Холдоржоним, ўзинг келиб,
Пича саваш қилгин энди!
Шодмон мерган, Ҳасан жоним,
Душманларни қиргин энди!
Ҳеч қайтмайин найза сермаб,
Битта қолмай қиргин энди!

Ғулғула тушсин фалакка,
Овога етсин малакка,

Ахмад сардор, Холдор маҳрам,
От қўйишиб бошин кесинг,
Отлар суринсин ўликка!

Кўрсатманглар элларини,
Сўлдириглар гулларини!
Қириб, йўйиб ўлжа қинглар,
Арабларнинг молларини!
Тортиб олиб харжи қилинг,
Киссасида пулларини!
Уриб синдириг тишини,
Қилинг ғанимнинг ишини,
Қопга тиқинглар бошини!
Еппа от¹ қўйинг қирқ йигитлар,
Қилинг тарафнинг ишини!

Ана энди ҳалиги лашкарлардан [бири] айтди:
— Номасқул қилибсан. Қай палла қирқ йигитинг бор олдингда? Бир ўзинг ўлгидай бўлиб келяпсан, тағи дўқ қилиб қўясан. Ушла энағарни!— деди. Шу, Гўрўғлибек от чопгандан чопди. Душманлар ўртага олди. Намозгаргача от чопди. Гирот оппоқ кўпикка ботди. Гўрўғлининг қўлидан қиличлар тушиб кетди. Ҳаракат қолмади. Гиротнинг ҳар юнгидан тер кетди. Ана энди шунда Гўрўғлибек зор-зор йиғлайверди бечора:

Сабил бўлди менинг жоним,
Сочин ёйди Мисқол ойм;
Юрагимни босди войим,
Раҳм айла қодир худойим!

Йиғлайман хаққа зор-зор,
Балога бўлдим гирифтор!
Қайтайин қариндошим йўқ,
Дардим айтар сирдошим йўқ.
Бу майдонда ўлиб кетсам,
Қайтайин эмчакдошим йўқ.

Не бўлар урушда ҳолим,
Сўнар бўлди боғда гулим,
Чолдевор бўп Чамбил элим,

¹ Кўлэмада «ёппот».

Бул урушда ўлиб кетсам,
Отамларга йўқдир улим.
Ёлғизман қоронғу ҳолим;
Улиб кетсам Бадбахт тоғда,
Бир мўросхўр йўқдир улим.
Уруш деб кийдим совутни,
Отам деб ҳазрат Довудни.
Қиличим тошларга ботди;
Душманлар яқинлаб етди.
Ажал етиб ўлиб кетсам,
Қайтайин толейим қайтди.
Ўлмай кўрсам Чамбил юртни.

Отингдан айланай қодир,
Ўлсам Юнус тепар садир.
Бу гаплар бўлганди бўтан,
Ўлсам бузилади ватан,
Гиркўк отни чопсам тузга,
Қалқонимни тутсам юзга,
Зафар бергин эгам бизга,
Қишдан ўлмай чиқсам ёзга,
Душман бежой тушди изга.
Қилмагин мени мубтало,
Сен подшосан, ўзим гадо!
Раҳимсан, қудратинг кучли,
Мендайин гуноҳкор қулни,
Қилмагин ўзинг шарманда;
Қўймагин мени армонда!
Душманга қилма дармонда!
Душманлар ўлдирад бизни,
Қўлла эгам, ёмон кунда!

Гўрўғли, шуйтиб кўзини очиб қараса ҳалиги лашкар йўқ. Қараса, қаймали чодир турибди. Туғлар қўтослар, Ҳазрати Хизр, қирқ чилтон, жами бузруклар чодирнинг ичида ўтирибди. Гўрўғлибек отдан тушиб, салом бериб, бориб кўришиб, пойгага ўтиб ўтирди.

Хизр Илос айтди:

— Фарзандим, Хунхор подшодан урушиб Авазни олиб қайтолмайсан. Булдуриқ қассоб туркманнинг зоти. Очарчилик бўлиб Ёвмит элдан Гулойим деган сандираб кетиб эди. Унинг Қўнғирвой деган укаси уйда қолиб эди. Гул-

ойим сандираб Хунхорга келиб эди. Булдуриқ қассоб Гулоимни олиб эди. Гулоим Евмит элидан. Булдуриқ қассобдан фарзанд бўлди. Отини Бол Аваз қўйди. Аваз шундай мартабали бачча. На ҳаддинг бор, сен бундай мартабали баччани олиб кетасан? Подшоларнинг ҳам пича ҳийла сипогарчилик панди, фириби бўлади. Ана сен Бадбахт тогдан ошасан. Бир Камик чол деган чўпоннинг олди-га тушасан. Булдуриқ қассобнинг ўн етти минг қўйи бор. Камик чол Авазхонга ишқибоз. Бағри куйган ишқибоз, жуни тўкилган ишқибоз. Булдуриқ қассоб шу Камик чолга ҳар қурбон сайилда икки танга сайил харижи беради. Уша куни Авазхонга қўйни томоша қилдиради. Шу ишқибозлигидан Камик чол шу икки тангани ҳам [Авазнинг] киссасига солиб қўяди. Шундай ишқибоз. Аста борасан, шу Камик чолни бойлаб, икки минг чорри панжи қўйдан олиб, Хунхор элда бозорга борасан. Қўйларни тўплаб турасан. Булдуриқ қассоб кеп қўйингга харидор бўлади. Отим Қўнғирвой, опамнинг оти Гулоим деб айтгин! Сенга Булдуриқ қассоб эғалик қилади. Ана Авазни осон олиб қайтасан,— деди. Шуйтиб, Гўрўғли кўзини очса, чодир ҳам йўқ, пирлар ҳам йўқ. Энди қизиқ бўлиб қолди. Гўрўғлибек: «Хай аттанг, муддаомни тилай олмай қолдим», деб тогдан ошиб борапти. Ҳали бир чол кўп қўйни боқиб юрибди тоғда, ҳаммасининг бошини бир ёққа қаратиб. Ана Гўрўғлибек бориб, узангига оёқни тираб, Камик чолга қараб, бир сўз айтаверди. Бир сўзни Камик чол айтяпти, бир сўзни Гўрўғлибек. [Энди Гўрўғлининг сўзи]:

Узинг бўпсан мана тоғда бир ҳол,
Сўзгинама, қўйчибобо, қулоқ сол!
Бу қўйларнинг эгасини сўрайман,
Сўзима қулоқ сол, чўпон тентак чол!

Ана энди Камикнинг сўзи:

Эй, укағар, остингда тулпормиди?
Чоқ бўл келдинг пешонагда шўрмиди?
Таъзийқчилик хатинг борми қизигар,
Эгасига бирор ишинг бормиди?

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Панд берар майдонда отнинг майиби,
Кам бахтларнинг ёмон бўлар заифи.

Мен сўрайман бу қўйларнинг эгасин,
Тентак чол гапимнинг борми аййиби?

Э н д и К а м и к н и н г с ў з и:

Диконглатиб келдинг тойча отингни,
Синдирайми ўзим бу қанотингни?
Эгасига ишинг бўлса баччагар,
Менга кўрсат сен тақиқчи хатингни!

Э н д и Г ў р ў г л и н и н г с ў з и:

Юрган ерим Бадбахт тоғда жўнагар,
Бу одам нечовнинг қонини тўкар.
Бу қўйларнинг эгасини сўрасам;
Чакки-чукки мондирайсан, баччагар.

Э н д и К а м и к н и н г с ў з и:

Бадбахт тоғнинг юрган ўзим нозиман,
Сўйламоққа чўпонларнинг сўзиман.
Эгасига ишинг бўлса, йўловчи,
Бу қўйларнинг туб эгаси ўзимман.

Э н д и Г ў р ў г л и н и н г с ў з и:

Одамни сувсатар Бадбахтнинг чўли
Бежой узоқ экан дўланган бели.
Сен тентакка шу қўй тушиб қолдими?
Биламан, бу қўйлар Авазнинг моли.

Э н д и К а м и к н и н г с ў з и:

Нобоп айтдинг куйиб ўлгир сўзингни,
Камик [чўпон] дейди менинг ўзимни.
Авазхонни нобоп айтдинг йўловчи,
Аваз десанг, ўйиб ташлай кўзингни!

Э н д и Г ў р ў г л и н и н г с ў з и:

Баракалла тентак [чўпон] сўзингга,
Энди билсанг душман тушди изингга.

Авазхонни яхши кўрсанг чўпонжон,
Олиб келиб кўрсатайми кўзингга?

Энди Камикнинг сўзи:

Вой, қизигар, оқизайин ёшингни,
Тулкига тишлатай сенинг гўштингни!
Уялмайин Авазхонни айтасан,
Суғуриб ташлай ўттиз икки тишингни!

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Отдан тушиб юзта тошни уяйин,
Сондирама добилимни туяйин.
Авазхонни яхши кўрсанг бетавфиқ,
Олиб келиб ёнбошингга қўяйин.

Энди Камикнинг сўзи:

Улгунигча сен бўлмадинг ҳеч тўғри,
Сўзингдан мен билдим ўзинг Гўрўғли,
Ушатайин ўзим икки жагингни,
Тогдан ошиб кетавергин, Гўрўғли!

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Қани, баччагар, отимни жилайин,
Ғилофдан пўлат ханжарни олайин.
Авазхонга ўзинг бўлсанг ишқибоз,
Авазхонни бориб олиб келайин.

Энди Камикнинг сўзи:

Ундай десанг чўпон қаддини букар,
Зўрлигим қарагин, менинг анча бор;
Ғайратгинам янги пишган нонча бор!
Йўлгинангга кетавергин, Гўрўғли,
Аваз десанг ол, ўлдинг баччагар!

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Жана майдон қуён, товуқ тердирай,
Авазхоннинг зар кокилин ўрдирай!

Хонанг куйгур, яхши кўрсанг Авазни,
Авазхонни тоғда била юрдирай!

Э н д и К а м и к н и н г с ў з и :

Авазни айтасан ўзинг тилиннга,
Раҳм этмайсан Гўрўғли ҳолиннга.
Ўғри, газзоб, сен феълингдан тинмаган,
Авазхонни кўп гапирдинг Бадбахтда,
Энағар Гўрўғли кетгин йўлингга!

Бу Гўрўғли энасини яхши кўрарди бечора. Болам деб суймаган. Ҳилолойнинг меҳрига тўймаган Гўрўғли бечоранинг жони чиқиб кетди. Камик чол айтди:

Ҳарами, ўғри, қаллоб... Одамингга йўлиқмай юргансан. Авазхон деган оғзингни айриб қўяман,— деди. [чол] чулон таёқ билан Гўрўғлининг чаккасини олиб ёмон урди. Гўрўғли ҳез қилиб отдан тушди.

Камик чолнинг оёқ-қўлини бойлаб, тўқсон олти таёқлаб, шуйтиб, вақтгинасини хушлаб, Камик чолни элик-олтмиш муштлаб, оёқ-қўлини лўп-лўнда қилиб бойлаб ташлаб, шунда ҳам Камик чол:

— Авазхонни айтма! Гапирсанг тишингни суғураман,— деди.

— Қўлинг боғлиқ, гўрдан суғурасанми?— деди Гўрўғли. Камик чолнинг тумшуғига ўн етти марта чертди. Ёмон жони чиқиб кетди [Камик чолнинг]. Ана энди Гўрўғлибек Камик чолнинг тепаси тойпоқ дўпписини кийиб, кебанагини кийиб, чоригини кийиб, чилвирини белидан бойлаб, ўзининг совут-анжомининг ҳаммасини кўмиб қўйди ерга. Ғиротни етимликда боққан... тилга тушунган шу Ғиротга қараб, Гўрўғлибек бир сўз айтаверди:

Чамбилда қолди бекларим,
Сарғаймасин сиёқларим,
Уюлмасин қовоқларим,
Қўй билан шу чолни боққин,
Ҳолгинангдан, жониворим!

Сенсан учарга қанотим,
Уруш куни сен қувватим,
Узаб кетса қўйни қайтар,
Тўплабгина боқиб юргин.

Камикнинг олдида тургин,
Елгинангдан, Гиркўк отим!

Мен кетган сўнг бўқирмасин,
Астагина туқирмасин!
Киндигидан тишлаб, боққин,
Шовқин солиб чақирмасин!

Жонивор вақтимни хушлагин,
Қўйни қайтариб ташлагин!
Қимирласа Камик бобом,
Киндикдан аста тишлагин!

Мен келгунча эҳтиёт бўл,
Қўйга бўрилар тегмасин!
Бўри келса қувиб кетгин,
Сен тишлаб фалакка отгин,
Қанотгинам, Гиркўк отим!

Кечаси қўйни қайтариб,
Тағи бўшалиб кетмасин,
Камикни беркитиб ётгин!
Қимирласа топирлагин,
Тағи шовқинни солмасин!
Олдида қўрқитиб ётгин!

Мен бораман Хунхор элга,
Қулоқ сол жонивор тилга!
Назаркарда Гиркўк отим,
Эҳтиёт бўл, ётган чолга!

Киндигидан тишлаб, боққин,
Биров ёношса бу ерга,
Сен тишлаб қонини тўққин!
Айтгин сўзга қулоқ солиб,
Гўрўғли полвонга чаққин!
Қимирлаб бўкирай деса,
Камикни турткилаб ўтгин!

Қўй ҳайдадим Хунхор элга,
Қараб қўйгин бадбахт чолга,
Келингла, деб бўқирмасин,
Узим қирдан ошгандай қай,

Хунхоршоҳ деб бўқирмасин!
Сен таталаб тишлаб тургин,
Шуйтиб, вақтин хушлаб тургин!

Қилма алашим зиёда,
Сени ташлаб жониворим,
Хунхорга кетдим пиёда.
Келганимни душман билиб,
Соғи сўлни лашкар олиб,
Қилма аламини зиёда!

Бу чол билан шунча қўйни,
Келгунимча боқиб ётгин,
Гўрўғлига ёқиб ётгин!
Қулоқ сол эганг тилига,
Таёқлар олди қўлига,
Қўйни ҳайдаб чўпон бўлиб,
Кетдим Хунхорнинг элига.
Раҳм айлама, жониворим,
Бу бадбахт чолнинг ҳолига!
То кўргунча омон бўлгин!

Энди Гўрўғлибек оралаб, икки минг дўнан, гўнан қўйни саралаб, айириб олиб, Хунхор элига ҳайдаб кетаверди. Гўрўғли қирдан ошди.

Гўрўғли кетгандан кейин Камик чол бир бўқирди. Фирот киндигидан бир тишлади. Камин чол айтди [ўзича]. «Гўрўғлининг муштидан, отининг тиши ёмон эжан», деди даммини ичига солиб, Камик чол етти кат ернинг остига киргандайин, ҳўкизнинг устига тушгандайин бўлиб ётаверди. Қўрққанидан булк этмади. Қўй узаб кетса қўйни қайтариб келиб, ётқизиб қўяди, Гўрўғлининг айтганини қилиб Фирот ётаверди, Бадбахт тоғнинг устида.

Гўрўғли кетаверди. Ярим кечада Хунхор дарвозасига етди. Семиз қўйлар чорилаб қолди, оқсаб қолди, дарвозанинг олдида. Дарвозага қулф солиб маҳкам қилиб қўйган экан. Дарвозабонларга қараб Гўрўғлибек бир сўз айтаверди:

Худойим бўлгай-да, бошимга пано(ҳ),
Ҳамманинг эгаси яратган доно.
Олис йўлдан келган ўзим савдогар,
Дарвозангни очгин, дарвозабон-а!

Сулув қизлар бураб қўяр зулфини,
Эшит дейман, савдогарнинг гапини!
Дарвозангни очгин, бобо қўрбоши,
Оч дарвозангнинг дарров қулфини!

Узоқ қолган менинг ўсган жойим бор,
Юрагимда пичагина ўйим бор.
Кўп узоқдан келган ўзим савдогар
Олдимда беҳисоб семиз қўйим бор.
Дарвозани очгин, шабгард миршаблар!

Амалдоринг то ташвишда қолмасин,
Бул далада бир фалокат чолмасин!
Ҳаввош бор, бебош бор бул шаҳарингда,
Қўйларимдан ўғри урлаб¹ олмасин!
Амалдоринг ташвиш кўриб қолмасин!
Дарвозангни очгин, бобо Миршаббек!

Така-туркман деган менинг юртим бор,
Аслим сўрсанг ўзбек деган зотим бор.
Ёнимда қўш муҳр билан хатим бор,
Олис қолиб кетган менинг юртим бор.
Дарвозангни очгин, шабгард миршаблар.

Қизил оёқ келиб савдо солмасин,
Ўғрилар келиб қўйимдан олмасин,
Очмасанглар катта ташвиш бўлмасин!
Ўғри келиб олиб кетса бир қўйни,
Қўйни қувдим Бадбахт тоғнинг даштига,
Савдо солай амалдорнинг бошига.
Бир қўйимни ўғри қаллоб опкетса,
Еталашиб Хунхор шаҳрига бориб,
Юзта қилиб олай подшо қошида!

Бошга савдо солди, дерман,
Қилгулижни қилди, дерман,
Бориб подшонгнинг олдида,
Амалдоринг олди, дерман.

Дарвозангни очгин, шабгард миршаблар!
Менинг ўзим олис йўлдан келаман,

¹ Уғирлаб.

Хамма гапни ўйласанглар биламан.
Дарвозангни очгин, шабгард миршаблар,
Эсим кўпдир бозорчилик қиламан!
Бир кўйимни газзоб олса далада,
Эртан билан юзта қилиб оламан.
Подшонинг олдида жанжал қиламан.
Ишонишим бордир менинг ўзимга,
Шунинг учун подшо юртдан келаман.
Дарвозангни очгин, шабгард қоровул!

Ана шуйтиб миршаблар, қоровулар маслаҳат қилди. Айтди: «Бу савдогар экан, деди. Худодан кўрқмаса, (бирор кўйи йўқолса) эртан подшонинг олдида юзта қилиб олади. Очмоқ даркор дарвозани» деди. Дарвозани очди. Гўрўғлибек кирди. Қоровуларидан бири:

— Бой бобо, одамингиз борми, ё йўқми?— деди. Гўрўғлибек айтди:

— Отим йўқ, пиёдаман,— деди.

— Эй бобо, қайси элдан бўласиз?— деди. Айтди:

— Эшагимни бўри еб қўйди,— деди. Миршаб айтди:

— Қорнингиз очми, тўқми?— деди. Гўрўғли айтди:

— Эртан қўй сотгандан кай, бир от олиб минамиз,— деди. Қоровулар қаҳ-қаҳ уриб кулди. Айтди: «Бу қипқизил тентак. Бунинг кўйидан сайлаб-сайлаб оламиз. Эртан билангача пойлаб кўрайик. Эртан бозорга бориб бўлиштириб олайик» деди. Харажатни катта қилди шу кун. «Тентак бойга дуч бўлдик» деб.

Тонг отди. Гўрўғли кўйни ҳайдаб бозорга етди. Ҳар тевааракдан қўй келиб бозорни тутди. Жаллоблар қувонлаб олди. Гўрўғлининг қувони борми? Тўплаб олди. Қассоб келиб, кўраман деса, Гўрўғли киндигига таёқ билан бир туртади. Ҳалиги қассоб кейинчалиб кетади. Ҳеч ким кўйини ҳам кўролмайдиган бўлиб қолди. Кун чашка бўлди. Булдуриқ қассоб келмай савдо чиқмағич эди. Саман йўрғанинг белига миниб, тилла жиға бошида, беш юз қассоб қошида, тилла чақмоқли қассоблар Бўлдүриқ қассобнинг гирдини олиб келяпти бари. Ана бу қўйларни кўриб Булдуриқ қассобнинг хаёли қочиб, узангига оёғини тираб, Гўрўғлига қараб, бир сўз айтаверди:

Нима дейди, бой бобожон, ўйингни?
Мусулмонга ўхшатаман бўйингни.

Хунхор элга қўй ҳайдаган қаддингдан,
Сотасизми, сотмайсизми қўйингни?

Ана энди Гўрўғлининг айтаётган сўзи:

Эшитинг, бек бобо, айтган тилимни,
Бемазалар қора қилди ҳолимни
Мен сизга ростини айтсам эл беги,
Евмит дейди уни — ўсган элимни.

Ана энди Булдуриқ қассобнинг сўзи:

Томошага кепти элдан бир неча,
Гулларда селвираб туради думча.
Ўзбекнинг элидан келган, бой бобо,
Айтинг, қўйларингнинг баҳоси неча?

Ана Гўрўғлининг сўзи:

Юриб келдим занглаб ётган чўлидан,
Эгам хабар олгай мендай қулидан.
Чарчаганман, лекин гапга хўл солдинг,
Қўйни ҳайдаб келдим Туркман элидан.

Энди Булдуриқ қассобнинг сўзи:

Қабул қилгай мўминларнинг тавбасин,
Такаббурлар баланд қилар ҳавосин.
Туркманнинг элидан келган, бой бобо,
Менга айтгин, қўйларингнинг баҳосин!

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Олдимда каттакон дўнан қўйим бор,
Сўрайверсанг қорнимда ўйим бор.
Амин бобо, айлангирдинг ўзимни,
Такаёвмит деган хатто жойим бор.

Энди Булдуриқ қассобнинг сўзи:

Энди билсам мана ўзбек шум экан,
Евмит элда қўй боққани қум экан.

Отим бор, зотим бор, дейсан, айтасан,
Гапиргин, отгинанг сенинг ким экан?!

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Тортиб келдим Бадбахт тогдан оқи вой,
Уруш куни сарбоз тортмас мис карнай:
Зотимни, элимни бежой сўрадинг,
Отимни сўрасанг, Амин, Қўнғирвой.

Энди Булдуриқ қассобнинг сўзи:

Айб эмас, мен сўрадим зотингни,
Ёвмит деяр экан вилоятингни.
Туркман деган тилгинангдан айланай,
Сўрай-сўрай янги билдим отингни.

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Аввал мени сўрай-сўрай кўнглим топ,
Мусофирман, савдо кўрдим беҳисоб.
Бу шаҳарда мени ёлғиз демагин,
Хунхорда жезнам бор Булдуриқ қассоб.

Энди Булдуриқ қассобнинг сўзи:

Худойим кўрсатсин сенинг вафонгни,
Орттирмагин менга жабру жафонгни!
Жезнангнинг оти бўлса Булдуриқ қассоб,
Нима дейди, оти кимди опангни[нг]?

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Ёшликда айирган мени оллойим,
Юрагимга тушган қайғу-ман войим,
Болаликда айрилувдим опамдан,
Агар ёсгинангдан чиқиб кетмаса,
Чироғимнинг оти эди Гулойим.

Булдуриқ қассоб икки кўзин ёшлади,
Қайним, деб энди вақтин хушлади.
Ўпкасин босолмай Булдуриқ қассоб,
Қайним деб йўрғадан отиб, ташлади.

Упкасини босолмай Булдуриқ қассоб
Кўришиб белидан маҳкам ушлади,
Жезнажон, деб ҳийла қилиб Қўнғирвой,
Жўрттага икки кўзин ёшлади.

Яхши одамнинг борар жойи биҳиштди,
Кўп одамни кўриб, ранглари ўчди.
Бозорнинг ичида Гўрўгли кўринг,
Жезна қилиб қассоб билан кўришди.

Гўрўглининг кўзларини силайди,
Гапни гапга Булдуриқ қассоб улайди.
Упкасини босолмайди бечора,
Меҳмоним, деб Булдуриқ қассоб йиғлайди.

Ана энди ҳамма одам Гўрўглини тентакка чиқараверди. Бу «зўр одам экан. Кеча бир қўйини олганда, тухумимизни қуритар экан», деди. Ана жиринг-пиринг бўп ҳамма тарқаб кетди. Ана энди Булдуриқ қассоб айтди, олдидаги қассобларга:

— Боринглар,— деди,— Авазхонни олиб келинглар! Ёвмитдан тоғаси келибди. Хўп сийласин! Эртдан кай подшонинг хизматин қилар,— деди [Қассоблар] чопиб, чопқиллашиб кетди. Хунхор подшога бориб айтди:

— Эй подшоҳим, Авазинг тоғаси келибди, отаси айтади «бугун хизмат қилсин тоғасига» дейди. «Эртдан кай келиб хизмат қилар» деди. Хунхор подшоси Авазхонни ювинтириб, тилла тахтга миндириб, бир ман деган одамларга кўтартиди. Хунхор подшоси айтди:

— Эй Авазжон, сени бир фасл кўрмасам тоқатим қолмайди, хаёлим ўзимда бўлмайди. Зинҳор эртан билан келин,— деди. Авазхон «хўш», деб тилла тахга миниб келяпти. Ана бозорнинг ичида қандай одамнинг остида яхши оти бўлса, устида яхши тўни бўлса, «менинг тоғам қайси экан», деб қараб келяпти. Гўрўглибек Авазхоннинг ойдаи юзларини, қуралайдай кўзларини, болдан ширин сўзларини кўриб, боянаги Камик чолнинг кийимлари устида тилла тахдан айқалаб, қучоқлаб олиб, Авазхонни бағрига босиб олди. Ана энди Гўрўглибек бозорнинг ичида бир сўз айтяпти:

Мен эшитдим, чироққинам, зотингни,
Отангман гаплашиб билдим отингни.

Ҳар саҳарлар мен ишқингда қоя йиғлаб,
Тириклайин кўрдим ойдай бетингни.

Сўраб юрар эдим сенинг изингни,
Мен эшитсам «тоға» деган сўзингни.
Ҳар тунлари йиғлаб қодир эгамга,
Жиянгинам, кўрдим ойдай юзингни.

Келиб кўрдим Хунхор вилоятингни.
Кеткарсанг юрагимда дардимни.
Жиянгинам, жоним сендан айлансин,
Алҳамдилло, кўрдим ойдай бетингни.

Кўрдим-да, танамдан кетди дармоним,
Бўйингдан айлансин жасадда жоним.
Улмайгина кўрдим сени садаға,
Энди ўлсам асти йўқдир армоним,

Қарчиғай чарқиллаб қўнар ходага,
Дехқонлар сигирни қўшар подага.
Улмайгина кўрдим қора кўзингни,
Жасадда жон бўйгинангдадан садаға.

Олис қолди хони мон,
Ўзим Хунхорга меҳмон.
Энди ўлсам асти йўқдир армоним,
Ҳар гапинг дардима дармон Авазхон.

Ана энди Авазхон номус қилиб бир сўз айтаяпти:

Ҳар банда олган қизиман қарисин,
Ҳар банда ўз тенги билан юрисин!
Келмай кетгур, қайдан келдинг шарманда,
Дод, фарёд, семиз қўйинг қурисин!

Елғизман деб юрар эдим армонда,
Кўрмоққа нечовлар мени дармонда.
Дод, фарёд семиз қўйинг қурисин!
Дўст-душманга мени қилдинг шарманда!

Дурустроқ бўлиб келсанг бўймедиди?¹
Яхши йигитлардан олсанг бўймедиди?

¹ Бўлмасмиди.

Буйтибгина тоғангман деб келгунча,
Чўлларда ташналаб ўлсанг бўймеди?

Худо берган ҳузурини кўрмайми?
Тилла камар бойлаб, ханжар бўғмайми?
Бир шаҳардан меҳмон бўлиб келганда,
Хуржунига танга-тилла солмайми?

Ҳар жойда ҳаражат катта қилмайми?
Бой бобо, деб ҳар ким хушомад қилиб,
Шон-шавкат билан бунда келмайми?
Халойиққа қилдинг мени шарманда,
Дод, фарёд, қўйинг қурисин, тоғажон!

Олқор ковшаб тўғ бошида ётади,
Назаркарда мерган уни отади.
Семиз қўйинг қуриб кетсин, тоғажон,
Чекмонинг бағрима тошдай ботади!

Чўлларда бўкириб ўлсанг бўймиди?
Ҳар бир гапинг жигаримдан ўтади.
Дўст-душман ичида қилдинг шарманда,
Чопоннингнинг кири ўртаб кетади.

Булдуриқ қассоб айтди:

— Эй Авазжон, ёлғиз фарзандимсан. Шу вақтгача сон-янғни сен деганим йўқ эди. Шу гапинг менга ботди. Уч ойлик йўлдан овоз бўп, кабоб бўп «опам» деб, «жияним» деб излаб келиб, сендан кўрган ҳузурини шу бўлдимми? Шундай бемаза гапдан айтсанг, фарзандим демайман, ўзингни! Бор, буни опасининг олдига олиб бор. Шунча қўй топган одам, оти-анжом топмайми? Тоғанг авлиё экан, у дунёни ихтиёр қилган экан. Опасининг олдига олиб боргин,— деди. Авазжон олиб жўнайверди. Аста-аста кетди, уйига етди. Ана бу тоғасини дарвозанинг оғзидаги меҳмонхонасига қўйиб, энасининг олдига бориб, бир сўз айтяпти Авазжон:

Юрагингда эна сенинг чермиди,
Яхши одамга бир яратган ёрмиди?
Билганимни айтиб берай, энажон,
Туркман элда авлодгинанг бормиди?

Қўйни ҳайдаб битта ўзбек келибди,
Отам бориб уни гапга солибди.
Бу шаҳарда менинг жезнам бор, дебди,
Яна бир-бир қилиб жезнам ким дебди.
Сўрагани менинг отам чиқибди.

Евмит элда укагинанг бормиди?
Монанди ўзингга ўхшар сумбати,
Нари-бери эмас, унинг келбати.
Уканг бўлса бергин менга суюнчи,
Қўнғирвой эканди укангнинг оти!

Гулойимнинг ранги элда сулувида,
Бир яратган жудоликни солувди.
Очилгидан Евмит элдан чиққанда,
«Нон, нон» деб Қўнғирвойи термилиб,
«Опа, нон» деб ватанида қолувди.

Е кўзим эмас менинг тешиқда,
Е ўзим эмас, энажон, бешиқда.
Қўнғирвойнинг борлиғи рост бўлса,
Суюнчи бер, уканг келди эшиқда!

Қулоқ солди сўзнинг ёлгон-ростига,
Кийик, сувлар баланд тоғнинг пастида.
Вой укам деб, йиғлайверди Гулойим,
Қўнғирвой укаси тушди эсига.

Чиқиб кетувди ана ўйидан,
Жон айлансин яхши одамнинг бўйидан.
Вой укам, деб ўпкасини босолмай,
Қулоч ёзиб бўзлаб турди жойидан.

Подшо олар элатидан божини,
Вой укам деб, қулоч ёзиб Гулойим,
Вой укам деб ёзди қора сочини.
Томоша айланг Гулойимнинг ишига,
Текинхўр боради хирмон чошига.

Вой укам, деб ўпкасини босолмай,
Улмайгина кўрдим Қўнғирвойжон, деб,
Гулойим айқалаб босди тўшига.

Тўхтатолмай Гулойимжон ўзини,
Жовдиратиб қўнғирвой кўзини,
Укам деб искалаб, босиб бағрига,
Қучоқлаб, юзига қўйиб юзини,
Укам дейди, ҳар хўрсинади,
Тўхтатолмай Гулойимжон ўзини.

Кўлга чиқмай добилини туймайди,
Чопилмайин отнинг ичи куймайди.
Укам дейди, ҳар Гулойим суяди,
Қўнғирвойнинг меҳрига туймайди,
Уйнаб кулсин ҳар банда уйда доим.
Укам дейди ёшлигида айрилган,
Тирайрилган¹ ёмон экан дунёда,
Укажон деб, хўрсинади Гулойим.
Тоға деб қучоқлаб олиб эркалаб,
Бўйнига қўлини солиб Болойим.

Ана энди искалашиб, бечора Гулойим шу Қўнғирвойга
қараб, элни сўраб турибди:

Болқон тоғда чолиб ётган туманми?
У замонлар қадимгидай замонми?
Айтай десам оти эсимдан чиққан.
Бош-бошига Ёвмит эли омонми?

Сенинг учун онанг ёшин тўкибди,
Соғинганда қоматини букибди.
Чиққанима бежой кўп йил бўп қолган,
Бош-бошига уруғдошлар омонми?

Айтай десам оти эсдан чиқибди,
Сўзлаганда бежой тотли сўзлари,
Зухра юлдузга ўхшайди кўзлари,
Уруғдошлар, қариндошлар омонми?

Омонми туркманнинг сулув қизлари?
Шоҳсанам сифатли қизлар омонми?
Кўкламда боқилар нор-ман лўкчаси,
Хотамтойга ўхшайди бойбаччаси,

¹ Тирик айрилган.

Хамирдай чайқалади бойбиччаси,
Келинчаклар, кайвонилар омонми?

Ун бешда ёп-ёруғ осмоннинг оёи,
Қаллобнинг, ёронлар, дўзохдир жойи.
Бандам деган, эр кишини худойи.
Омонми, Ёвмитнинг сап катта бойи?
Бойи, сардор, мўйсафидлар омонми?
Катта-кичик эли беклар омонми?
Суяккинам, туркман шаҳри омонми?
Карвонлардан ҳар йилида сўрайман,
Давлатлиман, ҳар ранг рўмол ўрайман,
Худо давлат берган туркман шаҳридан,
Юрт эгаси Гўрўғлини сўрайман.
Адолатли Гўрўғлихон омонми?
Юнус билан Мисқол пари омонми?

Ана энди Гўрўғли айтди:

— Э она, ватанинг бошингга йиқилиб қолсин. Менинг тарафимни сен сўрайсан. Гўрўғли билан бизар тарафмиз,— деди. Гулойим айтди:

— Эй чироғим, тарафкашлигингни элингга қилавер!
«Гўрўғли тарафлар билан урушибди, қочибди», деса саксон кун йиғлайман. Чўпдай қотиб кетаман. «Гўрўғли тарафларни қувибди, бир шаҳар олибди», деб эшитсак ўн кунгача хушвақт бўлиб уйқум келмайди. Уруғдошим.. уруғдошлик сабабидан сўрайман. Ўз элингга борганда тарафлигингни қилавер! Ана мен сени чироғим, қариндошлик савдосидан сўрайман,— деди.

— Хайр эмаса,— деди Гўрўғли Авазхонни олдига олиб, мусофирлиги эсидан чиқиб, худди Чамбилда ўтиргандай бўп Гўрўғлибек Авазхонга қараб бир сўз айта берди:

Юрганингдан яхши менинг маконим,
Ҳамро бўлгай ўларимда имоним.
Бизи билан борсанг Ёвмит шаҳрига,
Ёвмит эли кўп яхши жой жияним.
Қулоқ солгин мендай тоғанг тилига.
Отни чошиб шикор қилсанг чўлига,
Сардор бўлсанг бориб Туркман элига,
Зилзилалар бориб қилсанг жияним.
Сени кўрган беклар бўлар беқарор,

Мартабани берган бир парвардигор.
Туркманнинг элига сен бўлсанг сардор,
Катта бўп сен бўлсанг элатга раҳбар.

Евмит эли обод жойдир, чироғим.
Евмит элининг кўп душманлар қасдида,
Қулоқ солгин, гапимнинг пайвастига.
Евмит элда йиғиб, беклар баччасин,
Олқор овлаб юрсанг тоғнинг устида.
Беклар билан юрармисан, жияним?

Аскар тоғдан оқиб ётар булоқлар,
Чўққиларда ўйнар олқар, улоқлар.
Сахий одам меҳмон ошини чошлар,
Овга чиққан отар қушини чоқлар.
Чашмаларда юрармисан жияним?

Евмит элга бориб арслонни йиғсанг,
Хитойи косага майларни қуйсанг,
Ияртириб Рустамдайин бекларни,
Кўлга чиқиб, бўз қарчиғайни чуйсанг;
Урдакка солганда добилни туйсанг,
Чанг бўпти деб ҳар ранг тўнларни кийсанг,
Мажлисда ўтириб болларни қуйсанг...
Беклар билан юрармисан, чироғим?

Евмит борган қилар айши-ишратди,
Касал одам борса соғ бўлиб кетди.
Олис йўлга минсанг Ғиркўкдай отди,
Ғиркўк отни минган муродга етди.
Салтанатни қилармисан, чироғим?

Худойим қарашган менинг бахтима,
Йигитликда ҳар иш қилар вақтима.
Бориб подшо бўлсанг Чамбил тахтима,
Ҳукуматни сўрармисан, чироғим?

Подшолик жиғалар санчисам бошингга,
Саҳмон билан Холдор ўнг ёнбошингда.
Гўрўғлибек доим турса қошингда,
Подшоликни қилармисан, жияним?
Эшитгин чироғим, ўзимдан додни,
Евларга ияртсанг сап валломатни,

Ариллатиб минсанг Гиркўкдай отни,
Бўстон қилсанг бориб Чамбилдай юртни...
Обод қилиб юрармисан, чироғим?

Энди Авазхон ҳез қилиб, тоғасининг олдидан тура солиб,
қочаверди далага чиқиб. Дарвозани қулфлаб, Авазхон шовқин солиб,
бир сўз айтаверди:

Дарров кенглар, қоровулар, миршаблар,
Битта меҳмон бадбахт уйда ётибди.
Нима экканимни билмай, баччағар,
Чамбилнинг шаҳрини таъриф этибди.

Дарров кенглар, амалдорлар,
Гўрўғли уйда ётибди.
Ўзим Гўрўғли, Гирот деб,
Саҳмонни мақтаб ётибди.

Кел-ҳа, югуринг, деди,
Чамбилбелдан Гўрўғлибек келибди.
Кўп гапларни ўғри, газзоб билибди.
Гўрўғли уйима меҳмон бўлибди.
Бекларининг барин таъриф қилибди.

Йиғилинглар қоровулар, миршаблар,
Тўп бўлишиб ҳамманг бунда келинглар!
Келиб туриб, қўлин бойлаб олинглар,
Банди қилиб гўштарини юлинглар!
Ҳар тарафдан кеп, айланиб олинглар!
Йиғилишинг амалдорлар, жўйқонсиз,¹
Банди қилиб, баринг тошга тутинглар!

Калласини тегиб думалатинглар,
Олиб чиқиб, нишона қип отинглар!
Ёппа ёвлик тўп бўлишиб етинглар!

Катта тараф Чамбилбелдан келибди.
Ажал етиб келиб, меҳмон бўлибди.
Ўлдирмаса, ғорат қилар шаҳарни,
Гўрўғли тарафим уйга келибди.
Тоғангман деб, панди-фириб қилибди.

¹ Жўйқонсизни.

Йиғилинлар, Хунхор элнинг сарбози,
Талтайиб Гўрўғли уйда турибди!

Ана энди «Гўрўғли келди» деб эди, кўчадаги амалдор битган қочаверди. Ана энди Булдуриқ қассоб келиб қолди.

— Бу нима бемазагарчилик,— деди. Ҳамма жимжит бўлди, Булдуриқ қассобдан қўрққанидан. Уйга келиб, қўйнинг пулини Гўрўғлининг олдига уйиб қўйди. Гўрўғли пулни тўрт бўлди. Бир бўлагини Болойимга берди, бир бўлагини Гулоойимга берди; бировини Булдуриқ қассобга берди, бир бўлагини ўзига олди. Авазхон бекул қолди. Отаси билан энаси айтди:

— Бизга бермай, Авазхонга берса бўларди, кўнгли қолди бундан,— деди. Гўрўғли айтди:

— Эй жезна, билдим кўнглингиз доғини. Авазхон куруқ қолди дедингизлар. Тўққиз юз қора бош қўзи ҳайдаб чиқиб эдим. Бу қўйлар келди. Қўзилар Бадбахт тоғда оқсаб, юролмай қолди. Саҳар бориб, Авазнинг қора бош қўзисини олиб келамиз,— деди. Бир кулди. Булдуриқ қассоб:

— Ҳа, умринг узоқ бўлсин,— деди. Ана энди шуйтиб ётди. Саҳар бўлди кун. Булдириқ қассобни уйғотди. Авазни миндириб олди. Энди Гўрўғли жўнапти, таёқни эгнига солиб. Бирни Гўрўғли айтяпти, бирни Гулоойим.

Энди Гулоойимнинг сўзи:

Қайтди¹ деб тортардим ўзим оҳивой,
Жезнанг бўлиб кетган элда катта бой.
Бир ой-иккой² юриб кетсанг бўймиди,
Меҳрингга тўймай қолдим, Қўнғирвой?

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Опажон, гулларни термасам бўлмас,
От ёлини ўзим ўрмасам бўлмас.
Уйингизни билдим, қайтиб келарман,
Қўйимнинг бошига бормасам бўлмас.

Энди Гулоойимнинг сўзи:

Бошингга санчилсин тилладан жиға,
Чорвадорлар дўнан қўйларни боқар[р]

¹ Қандай этди.

² Икки ой.

Меҳрингга тўймай қолдим, Қўнғирвой
Бўйгинангдан мендай опанг садаға.

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Чўлларда кўрганман кўп жабру жафо,
Оллоийм кўрсатсин ўзимга вафо.
Молимнинг бошига бормасам бўлмас,
Яккалик ёмон экан-да, вой опа.

Энди Гулоийимнинг сўзи:

Тўрт ой, беш ой бунда турсанг бўлади.
Шаҳар каттакони меҳмон қиларди.
Жезнанг бир давлати катта одам;
Исгинангга тўймай қолдим, Қўнғирвой,
Икки ой, уч ой юриб кетсанг бўларди,

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Беш ойда, тўрт ойда ўзим келарман,
Ватанингни кўрдим, энди биларман.
Елғизлиги қурсин, опа, кўп ёмон,
Кечиксам олтой¹да қайтиб келарман.

Энди Гулоийимнинг сўзи:

Юрагимда қайғу билан аламди
Термултиб қўймагин қоши қаламди.
Шунча тургин дедим ўзинг турмадинг,
Туркман элнинг бош-бошига салом де!

Энди Гўрўғлининг сўзи:

Жигарчилик ёмон, ёшини тўкар,
Омон бўлгин тағи қайтиб кўргунча,
Қиблагоҳим, опажоним, аллаёр!

Энди Гулоийимнинг сўзи:

Энди келсак шо саллани ўрагин,
Узангига оёғингни тирагин,

¹ Одти ойда.

Шунча ёт деганман ўзинг ётмадинг,
Юрт эгаси Гўрўғлини сўрагин!

Э н д и Г ў р ў ғ л и с ў з и:

Гўрўғлини кўп гапирдинг, опаюн,
Гўрўғлибек ватанинга келганди.
Кўнғирвой деганинг опа ёлғонди.
Шунча Кўнғирвой деб нима айтасан,
Гўрўғли уйинга меҳмон бўлганди.

н а э н д и Г у л о й и м н и н г с ў з и:

Вой садақа пиёниста бўлдингми?
Гўрўғлиман ўзингни тенг қилдингми?
Гўрўғлиман десанг, душман ўлдирар,
Ичкиликни ичиб, маст бўп қолдингми?
Кўнглинг билан Гўрўғлибек бўлдингми?

Э н д и Г ў р ў ғ л и н и н г с ў з и:

Элатимнинг овозадор нозиман,
Гапирмоққа полвонларнинг сўзиман.
Гўрўғлига салом дейсан, опаюн,
Чамбилдаги Гўрўғлининг ўзиман.

Э н д и Г у л о й и м н и н г с ў з и:

Гўрўғлиман дема. тўқар ёшингни,
Душманларинг, қочирази ҳушингни!
Ёлғондан, Гўрўғлиман мен, деб айтсанг,
Йиғилиб душманлар, кесар бошингни.
Гўрўғлини ўзинга олма, чирогим!

Э н д и Г ў р ў ғ л и а й т я п т и:

Патли рўмолингни бошга ўрагин,
Зулфгинангни ярашиққа тарагин!
Чамбилдаги Гўрўғлининг ўзиман,
Эсинг борди қоматима қарагин!

Гулойим тушини яхши кўради,
Сочни ювиб ярашиққа таради.

Юраги сесканиб энди Гулойим.
Кўнғирвойнинг қоматига қаради.

Ҳар елкаси қирдай бўлиб меҳмони,
Ҳар кўзи гавҳардай ёниб боради.
Гулойимнинг тандан қуввати кетди,
Гўрўғлини топиб ик қулоқ¹ битди.
Дод, деб Гулойим энди зор йиғлаб,
Булдуриқ қассобга бир сўзни айтди.

Энди бечора Гулойим Булдуриқ қассобга қараб, дод деб
бир сўз айтяпти:

Пуштан қирққан йўрғангизнинг тўшини,
Гулойим тўкибди кўзнинг ёшини.
Кўзи деб айрилдинг Аваз кўзингдан,
Тентак чол тўхтатгин отнинг бошини!

Гўрўғлибек бораётир изингдан,
Сандираб янглишдинг айтган сўзингдан.
Бирор фасл сақла йўрға бошини,
Кўзи деб айрилдинг Аваз кўзингдан!

Сулувларга ярашади қўша хол,
Авазхон қўлига олди зайни мол.
Армон-ман айрилдинг Аваз кўзингдан,
Тентак чолим, гапгинама қулоқ сол!

Ҳай аттанг, қанотингдан қайрилдинг,
Чуқур ерда сен суришиб тойрилдинг.
Дод, фарёд, кўзилари қурисин,
Бир суянчи, Авазингдан айрилдинг!

Қулоқ солгин Гулойимнинг тилига,
Раҳм айлагин фарзандингнинг ҳолига!
Бирор фасл тўхтат отнинг жиловин,
Аваз кетар бўлди Чамбил элига!

Бир суянчи шунқорингдан айрилдинг,
Қўйингдаги қўчқорингдан айрилдинг,
Кўнғил хуши Авазжондан айрилдинг.

¹ Икки қулоғи.

Қон тўкилар Бадбахт тоғинг чўлига,
Лашкар тўлган ҳам чуқури белига.

Дардга дармон Авазжондан айрилдинг.
Аваз кетар бўлди Хунхор элидан.
Қўл қаноти, гўччоғингдан айрилдинг.

Обрў топиб Хунхор элда шер бўлдинг,
Йиғлай-йиғлай икки кўзинг кўр бўлдинг.
Кўзи, деб айрилиб, Аваз болангдан,
Авазхоннинг изларига зор бўлдинг.

Юраккинанг армон билан дард бўлдинг,
Меҳмон келди дединг, ўзинг мард бўлдинг.
Аваз кетар бўлди Чамбил шаҳрига,
Авазхонга икки кўзинг тўрт бўлдинг.

Сайраб турган булбулингдан айрилдинг,
Сен таралган товусингдан айрилдинг,
Кўзгинангнинг равшанидан айрилдинг,
Мол эгаси Авазхондан айрилдинг.

Булдуриқ қассоб айтди:

— Хотиннинг сўзи эчкини тўрт қирқтиради. Хотиннинг ғайратлиси қозон қайнатоғмас,— деди. Энди Гуло-йим Гўрўғлига миннатдорчилик қилиб, ўпкаси тўлиб, Авазхоннинг кетарини билиб, ранги сариқ мунчоқдай сўлиб, Гўрўғлибекка қараб, бир сўз айтаверди:

Уч кун бўлмай Бадбахт тоғидан ошманг,
Эсли одамсиз, тағи ақлдан шошманг!
Авазхонни бежой эрка ўстирдим,
Аччиғланиб қаттиқ тиклаб урушманг!

Сўйлайдиган танглайингда тил бўлсин,
Чамбил шаҳри жуда яхши эл бўлсин!
Эркалатиб катта қилдим боламни,
Ғойибона Юнусжонга ул бўлсин!

Бузиб кетдинг менинг кулбахонамни,
Укангман, деб ўртаб кетдинг танамни.
Юзин кўрмай ой Юнуста ул бўлсин,
Мисқолга топширдим Аваз боламни.

Вой укам, деб ақлимни тоширдим,
Тирногингга, айланай деб, бош урдим.
Туққандан зиёд фарзандинг бўлсин,
Гўрўғлибек ўзингизга топширдим!

Яхши от миндиринг, тўнлар кийдириг,
Добил бериб, қарчиғайни чуйдириг!
Етимдай бўг тагин ухлаб қолмасин,
Мисқолжонга Авазхонни суйдириг!

Укангман, деб келиб кўрдинг элимни,
Олиб кетсанг мен розийидим молимни
Подшолардай қилиб шайлаб қўйингиз,
Юнусга топширдим ёлғиз улимни.

Ғойибона фарзанд бўлсин, Гўрўғли,
Аҳволимдан хабар олиб тургайсиз!
Бежойин эркалатганман Авазни,
Жонингиздан ҳам зиёда кўргайсиз!
Эсон-омон юрсин, оллоҳи акбар!

Хўшлашиб Гўрўғли пиёда кетди,
Йўлбарсдай жезнасин олдиға ўтди.
Қўйларима бўри теккан ўхшар, деб,
Отдан илдам Гўрўғли қистаб кетди.

Ҳайданг-ҳайданг жезна тезроқ, деди,
Энци деб миндирди Аваз қўзини.
Олиб кетди Авазжонни ўзини.
Вой болам, деб Гулойим шу йиғлайди,
Тирноқ билан юлаверди юзини.
Ўпка тўлган, гапиролмай сўзини,
Бир суянчи Авазжондан айрилиб,
Зиёрат қип келаётир изини.

Гўрўғли ғанимдан олган ўчини,
Подшо бўлган олар энинг божини.
Вой болам, деб Гулойим шўр бўзлайди,
Болам, деб ёйибди қора сочини.

Гўрўғлиман кетди қўлдаги қуши,
Гулойимнинг қочиб миядан ҳуши,
Шундайин: Боллойим тиклаб қараса,
Болам, дейди энасининг товуши.

Маслаҳат чиқади эсли ўйидан,
Насиб қилган ейди қизнинг тўйида...
Болойим бечора ҳисоби йитиб,
Дод, деб югуриб турди жойидан.
Энасига қараб Болойим бир сўз айтди:

Э, энажон, худо ақлинг олдими?
Тоғама душманлар савдо солдими?
Нимага йиғлайсан ёшинг тизилиб,
Укангизга бирор савдо бўлдими?

Гўрўғли деб бўтан туҳмат қилдими?
Хунхор подшо сарбоз билан келдими?
Тоғамизни келиб банди қилдими?
Ўпкангни босолмай, эна йиғлайсан,
Тоғамизга бир ёмон гап бўлдими?

Теваракдан жазойилни отдими?
Укангизнинг гирдини сарбоз тутдими?
Мунсик подшо банди қилиб кетдими?
Мусофирлик, эна, сизга ўтдими?

Душманларнинг гапи ёмон ботдими?
Қўнғирвойинг бу фонийдан ўтдими?
Ўлим келиб ёқасидан тутдими?
Олиб бориб уч оғочга тортдими?

Уканг ўлгандайин бўзлаб йиғлайсан,
Укангизни Гўрўғлибек билдими?¹
Авазхонинг бўтан туҳмат қилдими?
Ўлим кўргандайин бўзлаб йиғлайсан,
Меҳмонингга бир қиёмат бўлдими?
Қўнғирвойинг Хунхор элда ўлди,
Уканг ўлгандайин бўзлаб йиғлайсан?..

Гулойим «дод» деб, беҳуш бўлиб йиқилди. Энасини қучоқлаб Болойим суяб, энаси кўзини очиб, Болойимга қараб, вой-вой деб, бир сўз айтаверди:

Ҳай фалак — ай...
Сен акангдан, мен ўғлимдан айрилдим.

¹ Гўрўғлибек деб билдими.

Авазхонни энди кўрмак қайдади?
Сайраб турган булбулимдан айрилдим,
Бол Аваздай арслонимдан айрилдим...

Улигим эгаси Аваз қўзимдан,
Тобутимнинг чегасидан айрилдим;
Улигимнинг эгасидан айрилдим.

Дардгинамнинг давосидан айрилдим,
Кўнглимнинг ҳавосидан айрилдим.
Сен акангдан, мен боламдан айрилдим.

Гўрўглибек Қўнғирвой бўп келибди,
Чироққинам, бу иш фириб бўлибди,
Ҳийла билан Авазхонни олибди,
Сен акангдан, мен Аваздан айрилдим.

Акам дегин, кун қиёмат бўлибди,
Болойимжон тоғгинангдан айрилдинг!
Учарга қанотингдан айрилдинг,
Акам дерга қувватингдан айрилдинг.

Гўрўглибек олиб кетди Авазни.
Гўрўглиман деб айтди кўп сўзни.
Қўнғирвойман, дейиб келиб уйима,
Бир ҳийламан олиб кетди Авазни.

Вой-вой, деб Болойимнинг эси кетди.
Вой суянчи, вой акам, деб,
Болойим бетини йиртди.
Ёзиб қора сочгинасин,
Талоқдайин чўйкаб кетди.

Қариндошлик ёмон ишди,
Акам деб тўкади ёшни.
Болойим акам, дейди,
Гулойим болам, дейди.
Вой онам деб, вой болам деб йиғлашди.

Эсонлик бандага бир ғаниматди,
Йиғламай найлайин қисматлар қатти
Авазхоннинг фироғида зор йиғлаб,
Йиғлай, йиғлай бебахт ўзидан кетди.

Ана энди булар Авазнинг доғига қуйиб ётаверди.

Авазхонни кулдириб,
Булдуриқ қассоб маст бўлиб,
Ҳар қистайди даштларда,
Йўрғасини елдириб.

Гўрўғлибек пиёда,
Булдуриқ қассоб жезнасин,
Ишонтириб, гаплашиб,
Кўнглини тўлдириб,
Кўнғирвойи ғалатди,
Тошлаган Ғиркўк отди,
Хийла билан Авазни,
Отасига миндириб¹
Ҳар қистайди жезнаси,
Баланд қирдан дўндириб.
Баракалла Гўрўғли
Ҳақ сақласа Авазни,
Энди Чамбилга опкетди.

Ҳеч иш келмас қўлидан,
Чуррак учар кўлидан,
Фириб ҳам ёмон экан,
Авазхонни Гўрўғли,
Олиб чиқди элидан.
Ҳар қистайди жезнаси,
Баланд қирнинг белидан.

Вақтили борсак, дейди,
Хунхор элда юрсак, дейди.

Қорабош қўзини,
Авазхон ухлама, деб,
Элчиларин кўрсак, деб,
Гўрўғли жон қийнайди
Кўзи энди ўйнайди.
Чўлга чиқиб олибди,
Булдуриқ қассоб жезнаси,
Йўрғасини ҳайдайди.

¹ Мингаштириб.

Юраги тошиб кетди,
Ақилдан шошиб кетди.
Энчини оламан, деб,
Семиз қўй қиламан, деб,
Гўрўғлининг жезнаси,
Қирлардан ошиб кетди,

Кокилини силдиратиб,
Шол салладан узанги,
Жонин озор топдирмай,
Авазни олиб кетди.
Бадбахт тоғнинг остига,
Камик чолнинг устига,
Гўрўғли қистаб етди.

Шу, қараса, бедов от юрибди фалакни кўзлаб. Ун беш минг қўй озгина бўлами? Булдуриқ қассоб:

— Тоғанг ёмон бой экан,— деди. Гўрўғли ичидан айираверди «Авазнинг энчиси» деб қорабош қўйлардан. Боши оланамосини ҳам айириб олаяпти «бу ҳам Авазнинг энчиси», деб. Икки мингча бўлди. Ана энди Авазхон отасига қараб, бир сўз айтаверди:

Тўққиз юз, икки минг бўлди,
Мана чўл қўзига тўлди.
Шумликнинг боши бўлмасин,
Қалай текин қўзи бўлди?
Умид узгин, ота, мендан,
Айрилдим қайтайин, сендан,
Сен айрилдинг Авазжондан.
Хабаринг йўқ Гўрўғлихондан.

Биёбон қўзига тўлди,
Қандай текин қўзи бўлди?
Қўнғирвойлиги ёлғон,
Гўрўғлилиги рост бўлди.
Баланд тоғгинанг паст бўлди,
Шу меҳмон сизга қасд бўлди.
Тўққиз юзи икки мингди,
Бу қўйлар ўзингнинг қўйинг.
Танидингми Ғиротини?
Кўрдингизми савлатини?

Сўрамадинг миллатини.
Отажон, олдига борсанг,
Сиз кўрарсиз ғайратини.
Белга бойлаб пўлатини,
Бузар Хунхорнинг юртини.
Хийла деган бундай бўлди.
Сўзгинама ишонмадинг,
Уйингда банди қилмадинг,
Авазхонни сен ёш дединг,
Одам ўрнида кўрмадинг.
Қўзинг икки мингча бўлди;
Қалай текин қўзи бўлди?
Қилиб кетар ҳангамани.

Қайним деб, олдига борсанг,
Эшитарсан дабдабани.
Ота, қўйинг энчи бўлди,
Қувиб бориб бозор солди.
Уз пулингман сени алдаб,
Отим Қўнғирвой, деб тиллаб.

Энамман ўзингни алдаб,
Авазни опкелдинг ёллаб.
Қалай текин қўзи бўлди?
Кўрарсан энди жанжални,
Гўрўғли подшо рост бўлди.

Булдуриқ қассоб:

— Сандирама, сандирама!— деди. Авазхон ҳам индамади. Аччиғланди. Шундай, Булдуруқ қассабо Қўнғирвойнинг олдига кетди. Аста Булдуруқ қассоб қараса, яшин оққандай бўлиб, совут, найза, қалқон, тортиб бериб ўзига кийяпти. Ҳар елкасига ўн одам минадиган йигит. Булдуриқ қассоб, «ҳа» деди, «воҳ», деди. Теракнинг баргидай Булдуриқ қассобнинг жони тебранди, ҳисоби йитди, кўз манглайига битди, жони чиқиб кетди. Гўрўғлибек Ғиротга шивирлади:

— Бориб, шуни тишламай бир амалини кўрсат,— деди. Ғирот бир жумириб зўр берди. Булдуриқ қассобга қараб тўрт, беш айланиб удрайиб турди. Булдуриқ қассобнинг бадани булк-булк этди. Энди Гўрўғлибек Булдуриқ қассоб жезнасига бир сўз айтаверди:

Рози бўлинг, жезнажоним,
То кўргунча омон бўлинг!
Бол Авазни бизга беринг!
Хунхор подшосига бориб,
Оғир лашкар олиб келинг!
Танидингми, мен Гўрўғли,
Уддангиз етса, жезнажон,
Авазжонни олиб қолинг!

Уч кунгача мен тўхтарман,
Ғиротгинамни махтарман.
Бориб Хунхорнинг шаҳридан,
Оғир лашкар олиб келинг!
Уртага олиб Гўрўғлини,
Авазжонни олиб қолинг!
Дарров боринг подшоҳинга,
Ҳаёлламай дарров келинг!
Қўлдан келса Авазжонни,
Бадбахт тоғда соқит қилинг!
Уч кунгача йўл қарарман.
Қочиб кетсам номардликдир,
Келиб зўрлигимни билинг!
Менинг билан шуйхон қилинг!

Рози бўл, жезнажон, кетгин,
Хунхоршоҳга бир-бир айтгин!
Лашкарбоши бўлиб ўзинг,
Ҳаёлламай дарров қайтгин!
Яхши-ёмон гаплашмайик,
Авазхон хўшлашиб кетгин!

Кўкмақдир тоғнинг бодоми,
Худой Гўрўғли ҳамдами.
Тоғи тошни лашкар босса,
Гўрўғлининг йўқдир ғами.
Хунхор шоҳга бориб айтгин,
Еппа келиб бизи билан,
Урушсин ҳамма одами!

Уч кунгача мен ётарман,
Уч кунгача келмасанглар
Қочиб кетган деб айтманглар,
Ундан кай Чамбил кетарман!

Авазни рози қип кетгин,
Подшонинг олдига етгин!
Ғайратим бежой қистаган,
Хонанг куйгир тезроқ кетгин!
Хунхор шоҳинг хуруш қилсин!
Бориб билдир, юриш қилсин!
Бунча кўзинг бўзаради,
Тумшуққинанг қизаради,
Икки бетинг созаради?
Ҳаёлламай дарров кетгин,
Подшонг келиб уруш қилсин!

Сўнгаги ўртаниб кетди,
Тинкалари қувраб кетди.
Ўзи билан ўзи бўлиб,
Фарзанд деган қандай ширин?
Йиғлаб оқиб кетди бурун.
Ўлдирмасанг бўлади, деб,
Авазхонман розилашмай,
Булдур қассоб туриб кетди.
Зор йиғлади «во болам» деб,
Булдур қассоб Хунхор кетди.

Аваз Бадбахтнинг чўлида,
Қассоб йўрғанинг белида,
Булдур қассоб йиғлай-йиғлай,
Кетди Хунхорнинг элига.

Бечора ўпкаси пишди,
Булдур қассоб йўлга тушди.

Қассоб ширин жонин сотди,
Йўрғасига қамчи чотди.
Жигар-бағри кабоб бўлиб,
Булдур қассоб «во Аваз» деб,
Хунхорнинг шаҳрига етди.
Синди бебахтнинг қаноти;
Мунсик подшонинг олдига,
Бечора зўр бериб етди.
Йиғлай-йиғлай Булдур қассоб,
Подшога бул арзин айтди.

Ана энди Булдуриқ қассобнинг Хунхор подшосига айтаётган сўзи:

Егочдандир сендай шоҳнинг худойи,
Семиз экан қайтай Қўнғирнинг қўйи.
Шунқоримни Чамбилбелга учирдим,
Сўзима қулоқ сол элнинг подшойи!

Хонанг куйгир кўппак бизни бўзлайди,
Эшитинг, тақсиржон, ўзимдан додни.
Мен Қўнғирвой қайнинг бўламан, деб,
Авазжонни фириб билан опкетди.
Қайсибир дардимни айтай, вой-вой,
Хонасаллот Бадбахт тоғида ётди.

Нима деса, десин, деди,
Боргин шоҳинг келсин, деди.
Аваздан айрилиб келдим,
Авазни опқолсин, деди.

Қанотгинамдан қайрилиб,
Жонамой ердан тойрилиб,
Бўзлаб келдим олдингизга,
Авазхонимдан айрилиб.

Тез тарадди қилсин, деди,
Дарров келиб Хунхор шоҳи,
Авазни опқолсин, деди.
Қайтай юрагим қаварди,
Аваз ўқиди забарди.
Тор сийнамда кулфатим кўп,
Гўрўглибек подшоҳингни опкелгин, деб,
Хабарчи қип юборди.

Сўзни эшитди Хунхор подшоси. Беҳуш бўлиб ўздан кетди. Туриб, сочларини юлиб, бир сўз айтаверди Мунсик подшо:

Саллот боши дарров ҳамманг келинлар,
Анжомларни дарров чоқлаб олинлар!
Шу газзобни банди қилиб халойиқ,
Бол Авазни бунда олиб келинлар!

Кўрсатманглар шу кўппакнинг юртини,
Бузиб кенглар унинг мамлакатини!
Фириб билан опчиқбди Авазни,
Ўлжа қинглар остидаги отини,
Вайрон қилинг бориб Чамбил шаҳрини!

Йиғиб чиқинг Хунхор элнинг зўрини,
Ўлдириглар остидаги Ғирини!
Ўлжа қип кенг Юнус, Мисқол парини!

Авазхонни биз ёққа жўнатинглар,
Гўрўғлини ўлдириб Чамбил кетинглар!
Чамбил элнинг теварагин тутинглар!
Хотинларин банди қилиб қайтинглар!

Дарров жўнанг Хунхор элнинг одами,
Кетиб қопти мендай шоҳнинг маҳрами!
Чамбилбелни горат қилиб келинглар,
Ноним еган Хунхор элнинг одами!

Ҳар тарафга хати хабар қилдиринг,
Ўткир қилич белларига чолдиринг!
Чамбил элни зерн-забар қип келинг!
Бориб туркманларни уриб ўлдириглар!

Худойидан қўрқмай бунда келибди,
Қаллоблик иш энди ўйласам қилибди.
Ўлдириглар, сатта турган амалдор,
Гўрўғли отимон бунда келибди!

Келиб Авазхонни йўлга солибди,
Йиғилишинг, амалдорлар ҳаммангиз,
Маслаҳат қинг, кўп ёмон гап бўлибди!

Карнай-сурнай Хунхор подшоси тортди,
Йиғламай қайтайин бу қисмат қатти(қ)
Аччиғланиб энди Хунхорнинг шоҳи,
Оғир лашкар Хунхор элидан жўнабди,
Ҳамма ерни булқиллаб сарбоз тушди.

Томоша айланг энди Хунхор шаҳридан,
Банда қўрқар подшоҳларнинг қаҳридан,
Жўнайберди бол Аваз деб одамлар,
Лашкар чиқаверди Хунхор шаҳридан!

Лот-манотни Хунхор шоҳи тунади,
Назр-ниёз бериб, бўзлаб жўнади.
Қуртдай қайнаб энди Хунхор шаҳридан,
Булдур қассоб «во болам» деб, бош бўлиб,
Қирқ минг отли саллот бирдан жўнади.

Ун минг орқасидан кетди,
Яна беш мингта жўнатди.
Тала-тўп бўп Хунхор шаҳари,
Тағи ўттиз мингта кетди.
Хунхор даштин салот тутди,
Тўзон кўкка ўрнаб кетди.

Ана энди, саллот бу жойдан жўнайверсин. Энди гапни
Гўрўғлибекдан эшитмак даркор.

Гўрўғлибек от анжомни шайлаб, ғилофдан ханжарни
олиб, Ғиротни товоф қилиб, устига миниб, Камик чолнинг
қўлини [боғлаган] арқонни кесиб юборди. Камик чол
шундай кўзини очиб қараса, Авазхон ойдай балқиб, қир-
нинг ёнбошида турибди. Вой-вой, деди Камик чол. Тенгсиз
Гўрўғли буни Чамбилга олиб кетди», деб тапир-тапир этиб,
ўлиб қолди. Ана ишқибозлик бундай бўлади. Ана Гўрўғ-
либек Авазхонга қараб, ханжарни осмондан келтириб,
«Мин отга» деб бир сўз айтаверди. Ана Гўрўғли бир сўз
айтаяпти, сўнг Авазхон айтаяпти.

Г ў р ў ғ л и н и н г с ў з и :

Орқамиздан душман отар,
Бурқиратиб тутни отар.
Отанг бу дунёдан ўтар,
Душман келмай мингин отга!

Э н д и А в а з н и н г с ў з и :

Хайр сенинг савлатингга,
Балли сенинг ҳимматингга!
Ғайратгинангни кўрмайин,
Бормайман Туркман юртингга.

Г ў р ў ғ л и н и н г с ў з и :

Хунхор элдан лашкар келар,
Теваракни қамсаб олар,

Гўрўглибек ўртада қолар,
Душман келмай мингин отга!

Э н д и А в а з н и н г с ў з и:

Айтар бизни шоир бахши,
Ойдаи бетим гулнинг нақши,
Душмандан буйтиб қўрққандан,
Бу кунингдан ўлган яхши.
Минмайман, ўзбек, отингга,
Бормайман Туркман юртингга.

Г ў р ў г л и н и н г с ў з и:

Кафан тўни бўлар қолпоқ,
Қилмагин мени бедимоғ.
Кўп саллот ўртага олса,
Сочайинми кўпга тупроқ?
Душман келмай, мингин отга!

Э н д и А в а з н и н г с ў з и:

Душман келса отни жилмай,
Қириб, йўйиб, обрў олмай,
Рустамнинг майдонин қилмай,
Тарафман силкишиб ўлмай,
Минмайман, ўзбек отингга.
Бормайман Туркман юртингга.
Туф, сенинг сумбатингга!

Г ў р ў г л и н и н г с ў з и:

Билмаганинг билдирарман,
Юрак-бағринг тилдирарман.
Аччигимни кўп келтирма,
Ўғлон сени ўлдирарман.
Ғашим келмай, мингин отга!

А в а з х о н и н г с ў з и:

Балли, хотинбек, сўзингга,
Балли сенинг овозингга.
Бундан ўлганингиз яхши,

Ишонмай қолдим ўзингга.
Бормайман Туркман юртингга.
Минмайман, Фирқук отингга.

Гўрўғлининг сўзи:

Нимта қип ташлай гўштингни,
Йиғлатай эмчақдошингни.
Гапгинамни кўп қайтардинг,
Кесиб ташлайин бошингни.
Маҳмадона мингин отга,
Тез борайик Чамбил юртга!

Авазнинг сўзи:

Иродам қочиб кетарми,
Қўрқоқнинг иши битарми?
Душманнынг келарин билиб,
Чин ботир қочиб кетарми?
Бундан ўлганингиз яхши.
Минмайман ўзбек отингга!
Бормайман Туркман юртингга.

Гўрўғлининг сўзи:

Қуритайин булоғингни,
Қилдинг менга қилиғингни.
Мардумчалик бежой қилдинг.
Кесиб ташлай қулоғингни.
Ўзбошимча, мингин отга!
Дарров юр энди элатга!

Авазнинг сўзи:

Доим Авазнинг ўзиман,
Энамнинг икки кўзиман.
Сен қўрқоқ билан боргунча,
Чамбил шаҳрингда тургунча,
Сен ўзбекман ўтиргунча,
Дўқ қилмагин ёлғончи,
Бир кун бўлмоқ, бир кун кетмоқ.
Улгангинама розиман.
Бормайман Туркман юртинга,

Мени чопсанг чопа қолгин!
Улмай минмайман отингга.
Ғайратингни ўзим кўрмай,
Нега борайин юртингга?!

Г ў р ў г л и н и н г с ў з и:

Улар бўлдинг, эси кетган
Хунхор шоҳ олдида ётган.
Ўз жонинга жабр қилма,
Еш баччасан ўлиб қолма!
Душман насиҳатин олма!

Дарров мингин, қулоқ битган,
Душманлар яқинлаб етган!
Ол кесдим бошгинангни,
Энди ўлдинг, эси кетган.

Ханжарини ярқиллатди,
Синамоққа кўп сўз айтди.
Эшитди Аваз сўзини.
Қиличидан ҳеч қўрқмади,
Ҳеч юммади ик кўзини.

Ана энди Гўрўғли отдан тушиб, бир меҳри юз бўлиб:
— Балли ҳимматингга, ғайратингга, Аваз фарзандим!
Балли, кўнглим тўлди, сендан,— деди. Ана лашкарнинг
тўзони даста-даста бўлиб кўринаверди. Авазни Бадбахт
тоғининг устига чиқариб «сен томоша қилиб тур, фарзандим»,
деб Гўрўғлибек отни совутиб жўнағорга чиқиб, душманларга
бел бўлиб турди. Саллотнинг қаттаконлари айтди:
— Бунга битта-битта борсак, баримизни санчиб ташлайди.
Бирдан ўртага олиб ўлдилинг, Гўрўғлини саллотлар,— деди.

Ана Гўрўғлибек сарбозларга қараб бир сўз айтаверди.

Орқамдан излаб келганлар,
Хунхорнинг нонин еганлар,
Кировка совут кийганлар,
Ховош бебошин йиққанлар¹,
Кел, душманлар, якка-якка!

¹ Қўлёмзада жийганнари.

Оти анжомни олганлар,
Ханжарни белга чолганлар,
Бизар полвон деб келганлар,
Кел, тарафлар, якка-якка!

Отларини ўйнатганлар!
Найзасини жайнатганлар,
Орқамдан қистаб етганлар,
Душманга милтиқ отганлар,
Кел, тарафлар, якка-якка!

Шунча саллотни йиққанлар,
Пўлат добилни туйганлар,
Ароқ, винони қуйганлар,
Кел, тарафлар, якка-якка!

Қуласин душманнинг лоши,
Қон бўлсин Бадбахтнинг дашти,
Бўлсин Рустамнинг саваши,
Кел-ҳа, эллар, дўнҳа-дўнҳа.
Жон хаёлингни қилвургин,
Гўрўғли кирди майдонга!

Эр йигитлар ханжар олиб,
Орқамдан кепсан қўзғолиб,
Урушмоққа бўпсан толиб.

Гўрўғли полвон от солиб,
Кетди йўлбарсдай қўзғолиб.
Калла қолар думаланиб,
Уликлар қолар узалиб,
Уруш майдони тузалиб,
Кел-ҳа эрлар якка-якка!

Саллотлар ушла, дейишади,
Юзига чағг ўрнашди.
Ур-ҳа, қилишиб бари,
Гўрўғлин ушла, дейишди.
Гўрўғлибек жон сотди,
Ҳамма ерни чағг тутди.
Шердай бўлиб Гўрўғли,
Яшин оққандай бўлиб,
Ўтни ёққандай бўлиб,
Найза билан шопини,

Гўрўгли ярқиллатди.
Юраги тошиб кетди,
Ҳез қилиб валлават,
Урушга тушиб кетди.
Душманлар ушла дейишди,
Ажал осмондан тушди.
Гўрўгли аралашди,
Қилди тоза хурушни
Ҳеч қайтмаси Гўрўгли,
Саллотларман суришди.
Ханжарини сермайди,
Берди чўртта туришни.
Уткир ханжар теккани,
Ерга тушиб керишди.

Калла қолди думалаб,
Худодан обру тилаб,
Гўрўглибек майдонда,
От қўяди шердай бўп.
Йўлбарсдай бўп ярқираб,
Гўрўгли қаёққа кетса,
Душман қочди тирқираб.
Қочинг, деди душманлар,
Шовқин солиб чирқираб.
Добил урдилар тоққа.
Чанг чиқибди фалакка.
Гўрўглибек сурушди,
Сой-сой тўлди ўликка.
Каллани думалатди
Гўрўгли полвон якка.

Дол бедовлар чопилди,
Ўлик чалкашиб қолди.
Баракалла Гўрўгли,
Жуда қирғинни солди.
Баланд тоғнинг бошида,
Гўрўглининг ишига,
Қойил бўлиб Авазхон,
Чўртта томоша қилди.
Гўрўглидан бол Аваз,
Янгигина рози бўлди.
Гўрўглининг ишидан,
Чўртта рози бўлди.

Узанги чирқиллашди,
Қалла шолгомдай учди.
Гўрўғлибек кел-ҳа, деб
Тараф билан чопишди.
Юлдуз учгандай бўлди,
Қизни қучгандай бўлди.

Шердай бўлиб Гўрўғли,
Мартин сочгандай бўлди.
Ханжарини сермайди,
Яшин учгандай бўлди.
Гўрўғлининг Гирқўки,
Қонни кечгандай бўлди.
Урушда вақтни хушлайди,
Қиличин қинига тиқиб,
Ик қўлиман Гўрўғли,
Тос тепага муштлайди.
Жонивор Гирқўк тулпор,
Тарафларни тишлайди.

Тағида ик кун урушди,
Бериб бежой турушни.
Кўринг Хунхор подшосин,
Юраклари ёрилиб,
«Ўлдим», деб туриб қочди.
Кўринг Чамбил бекзоди,
Ўликни силтаб отди.
Душман битган чувлашиб,
Қулоқ битди ғувлашиб
Қочаверди шаҳарга,
Ҳезлаб кетди дувлашиб.

Тоғда битган ҳомади,
Томдан томчи томади.
Суриб, санчиб Гўрўғли,
Тағида ик кун урушиб,
Хунхор элга қамади.

Юрак ёрилиб кетди,
Мўнсик подшо ўлдим деб,
Қочиб тахтига етди.
Гўрўғлибек маст бўлиб,
Бадбахт тоғига етди.

Сайлаб санчди саралаб,
Чала ўлган мўралаб,
Беш юз отга ўлжа ортди,
Хон Гўрўғли яхши молни саралаб.

Хушвақт бўлиб мард Гўрўғли,
Ҳеч нима кўрмагандай бўп,
Ҳаромга ўлим, Авазжон, деб,
Авазнинг олдига етди.

Ана энди Авазжон: «Ҳой балли отингга, баракалла ғайратингга» деб, бир меҳри юз бўлиб, Гўрўғлибекни зиёрат қилиб, энди шунга ниярсам очдан ҳам ўлмайман, яланғоч ҳам қолмайман. Ёмоннинг ўғли бўлгунча «яхшининг қули бўл» деган гап бор деди. Ўйнаб-кулиб Авазжон ўлжа отдан бир отни миниб, беш юз отга қиммат баҳо молдан ортиб, Бадбахт тоғдан ошиб, булкуллаб жўнайверди Гўрўғлибек. Авазжон Хунхор шаҳрига қараб, розилашиб, кўзидан юм-юм ёш кетиб, бир сўз айтаверди:

Мана чўлда тўлиб қолган лош энди,
Қилич сермаб думалаган бош энди.
Кетар бўлдим Гўрўғлининг шаҳрига,
Булдуриқ қассоб, отажоним, хўш энди.

Мусофир бўп Аваз ёшини тўкар,
Авазжон ўғлондир, қаддини букар,
Розилашмай, эна, сиздан айрилдим,
Оқ сут берган, энажоним, аллаёр!

Ўлиб кетсам ғариб бўлар мозорим,
Ҳой, десам кетади юракда черим.
Фалак-ай, фалак-ай,
Искалашмай ўзим сиздан айрилдим,

Омон бўлгин, Болойимдай жигарим!
Омон бўлгин, Доногулдай¹ ғамхўрим!

Кўнгилгинам чойдишдайин жўш энди,
Мана тоғда оппоқ бўлган тош энди.
Кетар бўлдим энди Чамбил шаҳрига,

¹ Гулойимни назарда тутаяди.

Уйнаб-кулган Хунхор эли хўш энди.
Қон тўкилди Бадбахт тоғнинг белига,
Еппа-ёвлик шаҳаргинам хўш энди.
Хон Гўрўғли келтирмоққа қўймайди,
Еппа-ёвлик Хунхор шаҳри аллаёр!
Насва тортди энди Чамбил шаҳрига,
Авазжонди чин кеганда тойрилди,
Тириклайин Болойимдан айрилди.
Упкасини босолмайин йиғлайди,
Аваз шернинг бўйни ортига қайрилди.

Юраклари дард бўлиб,
Хунхордайин юрт бўлиб,
Эна тушиб эсига,
Аваз ўғлон бўзлайди,
Кўзи ортига тўрт бўлиб.

Гўрўғли миниб отни,
Тарафларни бўзлатди.
Элга қараб йўл тортди,
Бадбахт тоғидан ўтди.
Чўлга тушиб Гўрўғли.

Отга қилиб ғайратни,
Авазжоннинг кокилин,
Шамолга тирқиратди.
Бадбахт тоғнинг бели деб,
Жовғошиннинг гули деб,
Ўлжа отларни қувиб,
Қани Чамбил эли, деб,
Тағи қирқ кун йўл юриб,
Яқинлашиб Гўрўғли,
Борди Асқар белига.

Золимларнинг қасдида,
Пўлат найза дасдида,
Ўлжа молларни ҳайдаб,
Мард Гўрўғли ёронлар,
Чиқиб олди Асқар тоғнинг устига.

Асқар тоғнинг устига чиқиб, ярқиллаган Чамбилни
кўриб, кўнгли жўш қилиб, Авазжонга қараб, Гўрўғли бир
еўз айтаверди:

Юриб келдик Бадбахт тоғидан оша,
Кокилинг Авазжон, белинга туша.
Минг мартаба шукур қилай худога,
Авазжон, Чамбилни қилгин томоша!

Ҳеч кимга тушмасин ўлимнинг ҳили,
Одамни сувсатар тоғларнинг бели.
Оч кўзингни томоша айла, Авазжон,
Ана ярқиллаган Чамбилнинг эли!

Соп бўлмас гапирса отангинг сўзи,
Жовдираб қолганди Юнуснинг кўзи.
Оч кўзингни, томоша айла, фарзандим,
Ярқиллаган мадрасанинг гумбази!

Худога етгай-да банданинг зори,
Энди аригай-да манглайнинг шўри.
Чини билан тиклаб қара Чамбилга,
Ана чўнқайганлар элнинг минори!

Бу ишлар, чирогим, ҳақнинг қудрати,
Ана ярқиллаган элнинг работи:
Оч кўзингни, томоша айла, Авазжон,
Ана кўкмак, бўлган элнинг боғати!

Ҳар тарафга тиклаб қара, Авазжон,
Булкуллаган шаҳар туркманнинг юрти!
Гавҳар тошин Раҳмат пари топтирган.
Оч кўзингни, томоша айла, Авазжон,
Ҳар нақшини қирқ чилтонга ёқтирган!
Оч кўзингни, томоша айла, фарзандим,
Туркманнинг элига келдинг, Авазжон!

Ана булар шуйтиб тоғдан ўтаверди. Мисқол пари дур-
бинни қўлига олиб, «Қандай душман экан», деб қараса, Гўр-
ўғлибек бир болани олиб келяпти, ўн беш кунлик ойдаи
ҳам сулув. Буни кўриб, Мисқолжон бир сўз айтаверди:

Кўриб юраккинам шишди,
Кўрганларнинг ақли шошди.

Гўрўғлибек келаётир,
Ойга ўхшаган боламан;
Кундай бўлиб тоғдан ошди.

Ғиркўн отини ўйнатиб,
Қизил тилини сўйлатиб,
Гўрўғлибек келаётир,
Битта бола қаватида,
Қизил гўлдайин жайнатиб.

Борми гапимнинг маъқули?
Силдиратиб қўша кокили,
Бежойин зиёд оқими,
Қоши-кўзи бежой яхши,
Бола Аваз келган шекилли.
Кўринглар Гўрўғлихонни,
Ойдайн қилиб балқитиб,
Олиб келди Авазжонни!

Унгирларини елпитиб,
Кўрган одам балқиб кетиб,
Юзгинасин йилтилатиб,
Кўрганлар эсидан кетиб,
Кўриб бўгиним бўшайди.
Хунхор элдан, сувсиз чўлдан,
Авазхон келган ўхшайди,

Гўрўғли ўлжали бўлди,
Шармандалар чиқинг баринг,
Гўрўғли келган ўхшайди!

Юнус пари, бор, деб айтди,
Тала-тўп бўп Чамбил юрти,
Саҳмон полвон, Холдор полвон,
Шодмон мерган, хон Ҳасанжон,
Аҳмад сардор, Темир маҳрам,
Кўчага сувлар сепинг, деб,
От қувишиб чиқиб кетди.
Бола чақа хотин-халож,
Сулув қизлар, кайвонилар,
Гулчеҳраман Гулнор пари,
Кўрганнинг кетар ғубори,
Юрагида қолмас чери,
Баландликка чиқаверди,
Хурга ўхшаган гала пари.
Гўрўғлин олдиға етди,
Еппа Чамбилнинг беклари.

Ана энди, «хорманг, бор бўлинг» деб, Холдорбек, Саҳмонбек, Шодмон мерган шундай тўкилиб саломга чиқди, ер ёрилиб. Тўлак Авазхонни кўриб ўзидан-ўзи «жонимга ур», деб келяпти. Авазхоннинг ойдаи балққанига қирқ йигитлар маст бўлиб келяпти. Мисқол пари хазинадан танга, тилла чиқарди. Авазхон билан Гўрўғлининг бошидан сочиб келаётибди. Гулнор пари подшолик мақомни бир созга келтириб қўйдирди. Чамбил симобдай эриб кетди. Шу салтанат билан Аваз Чамбилга етди. Чамбилнинг шаҳрини гулдай хотин-қизлар тутиб кетди. Шу, тахтга миндирди Авазхонни. Бошига жиға санчиб, чор ҳокимлик амал берди. «Уч кун тўй», деб қичқирди. Авазхоннинг шон-шавкати га ҳар қайсиси минг йигитдай бўлиб кетди. Авазхон ўртага косагул бўлиб, уч кун тўй ўтди. Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор пари Авазни ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олиб, беғам бўлиб, Авазхонни кечаси қўйнига олиб ётди. Чамбил бутун мартаба топиб кетди. Гўрўғлининг овозаси ерни титратиб кетди.

«Гўрўғли келди» деса, неча шаҳар ҳуркинчилик бўлиб ётди. Ана Хунхордан Авазхонни олиб келган достони тамом бўлди.